

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры



BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№1 (21)
2015



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров
Нигматилла Йўлдошев
Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Зоҳид Дўсанов
Ҳақимбой Халимов
Шўҳрат Узақов
Шўҳрат Мустафаев

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Ғофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Мўхтор Зоиров
Музаффар Мамасиддиқов
Бобоқул Тошев
Матлуба Аминжанова
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Буюртма №
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмаҳонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй.

МУНДАРИЖА

К.Камилов	Хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳўжалик судлари ва прокуратура органлари ҳамкорлигини янада кучайтириш — долзарб вазифа;	1
Э.Гадоев	Солиққа тортиш тартиб-таомилларини соддалаштириш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили;	4
А.Отажонов	Жиноят кодекси Махсус қисмида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш;	7
Ш.Мустафаев	Прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш: тажриба ва истиқболлар;	11
Б.Калонов	Фаҳрийлар эъзозда;	16
Н.Жуманиёзов	Актуальные вопросы антикоррупционной экспертизы в Республике Узбекистан;	19
Б.Исмаилов	Формирование международно-правовых стандартов обеспечения и защиты прав пожилых людей;	23
Б.Самарходжаев	Некоторые вопросы правового регулирования внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан;	26
А.Бабаразаков	Масофавий ўқитишнинг афзалликлари ва уни ривожлантириш истиқболлари;	32
Б.Пўлатов	Жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш масалалари;	36
Ф.Раҳимов	Юридик шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлиги: назария ва амалиёт масалалари;	40
Э.Хожиев	Давлат тили тараққиётининг ҳуқуқий асоси;	47
З.Холманова	Новый этап в развитии избирательного законодательства как усиление правовых гарантий демократизации выборов;	51
З.Реймова	Халқаро савдони соддалаштиришнинг божхонага оид аспекти: Киото конвенцияси ва унинг Ўзбекистон учун истиқболлари;	55
А.Қаҳҳоров	Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат ҳимоясида;	60
М.Раҳмонов	Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари	64
Н.Райимов	Фуқаролик процессида прокурор иштирокини такомиллаштириш: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба;	68
Н.Мирахмедова	Таълимдаги ислоҳотлар — янги ютуқлар кафолати;	72
И.Имомов	Вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.	76
А.Муллажонов		78
Илмий-амалий конференция		78

Козимжон КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий ҳўжалик суди раиси

ХУСУСИЙ МУЛҚДОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА ҲЎЖАЛИК СУДЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

- ◆ Мақолада ҳўжалик суди тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил этилган.
- ◆ В статье проанализированы реформы, осуществляемые в системе хозяйственных судов, и работа, проведенная в сфере защиты прав и законных интересов хозяйствующих субъектов.
- ◆ The article contains analysis of the reforms being carried out in the system of economical courts as well as work performed to protect rights and legitimate interests of business entities.

Таянч сўзлар: ҳўжалик суди, хусусий мулк, тадбиркор, давво ариза.

Ключевые слова: хозяйственный суд, частный собственность, предприниматель, исковое заявление.

Key words: court of economical, private property, businessman,

Мустақиллик йиллари Президентимиз раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришилган улкан муваффақиятлар тарихда мустақам ўрин олди. Ушбу ютуқларимизнинг асосий омиллари эса шубҳасиз, давлатимиз томонидан мамлакатни ривожлантиришнинг энг оқилона йўли танлангани, қонун устуворлигига эришилгани ва энг муҳими, жамиятда инсон манфаатлари устун қўйилганлигидир.

Шу маънода мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ этиш, маъмурий, жиноят ва жиноят-процессуал соҳаларга оид қонунчиликни либераллаштириш, одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, судларнинг мустақиллиги, роли ва таъсирини кучайтириш, энг муҳими, миллий тарихий тараққиёт ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, суд органларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тадбиркорлар, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида том маънода мустақиллигини таъминлашда ўзига хос концепция жорий этилиб, у асосида бир қатор самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўз навбатида таъкидлаш керакки, ушбу даврда ҳўжалик судлари ҳам ўзига хос тикланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди. Жумладан, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қиладиган ҳўжалик судлари фаолияти жиддий ислоҳ қилиниб, улар бугунги кунда тадбиркорларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Конституциямизнинг 111-моддасида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Фуқаролар, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг судларга бўлган ишончи тобора ортиб, улар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

этишни сўраб, хўжалик судларига кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Хусусан, 1995 йилда республика хўжалик судлари томонидан 11 мингдан ортиқ низо кўрилган бўлса, 2000 йилда 22 мингга, 2014 йилда эса кўрилган ишлар 263 мингдан ошди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларга қулайликлар яратиш мақсадида 2014 йилда 86 мингдан ортиқ хўжалик ишлари бевосита жойларда, яъни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Маҳаллий давлат ҳокимиятлари ҳамда давлат бошқарув ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарилган 326 та ҳужжатлари қонунга зид бўлганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топилди.

Барчамизга маълумки, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Айнан фаолиятни тўхтатиб қўйиш, тугатиш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, лицензияларни 10 кундан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш фақат суд орқали амалга ошириладиган бўлди. Бундай тартибнинг жорий этилиши боис, турли назорат қилувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз, баъзан адолатсиз таъсир чоралари қўлланилишининг олди олинмоқда.

2014 йилда хўжалик судлари томонидан ушбу тоифадаги аризаларнинг 504 таси рад этилиб, 127 таси кўрилмасдан қолдирилган ва 65 тасига нисбатан иш юритиш тугатилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинган.

Илгари мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан, даъво баҳоси 1 млн. сўмгача бўлганда — даъво баҳосининг 3 фоизи миқдориди, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда; 1 млн. сўмдан 10 млн. сўмгача бўлганда — даъво баҳосининг 2 фоизи миқдориди; 10 млн. сўмдан ортиқ бўлганда эса — даъво баҳосининг 1 фоизи миқдориди давлат божи ундирилди.

Давлат божи билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш, давлат божи ставкаларини бир хиллаштириш, ҳисоблаш механизмини соддалаштириш, судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун янада кенг имкониятлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 16 майдаги Қарорига мувофиқ, хўжалик судларига бериладиган мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан ундириладиган давлат божи даъво баҳосининг 1 фоизи миқдориди, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда белгиланди.

Хўжалик судларига бериладиган даъво аризаларидан ундириладиган давлат божи ставкалари-

нинг камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектларга судларда ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим рол ўйнамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжалик судлари томонидан одил судловни амалга ошириш, асосли қарорлар қабул қилишда прокуратура органларининг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика хўжалик судлари томонидан 2012-2014 йиллар мобайнида прокуратура органлари томонидан киритилган жами 353 млрд. 400 млн. сўмлик 35068 та даъво аризаси кўриб чиқилган бўлиб, улардан 339 млрд. 400 млн. сўмлик 34338 та даъво аризаси қаноатлантирилган.

Мазкур давр мобайнида прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида киритилган жами 37 млрд. 229 млн. сўмлик 2977 та даъво аризаси кўриб чиқилган бўлиб, шулардан 30 млрд. 850 млн. сўмлик 2799 таси қаноатлантирилди.

Ушбу даврда хўжалик судлари томонидан апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан кўрилган 12897 та ишнинг 3834 таси прокурор протестлари асосида кўрилган. 2012 йилда 29,4 фоиз, 2013 йилда 28,6 фоиз, 2014 йилда эса 27,6 фоиз ишлар прокурор протестлари асосида бекор қилинган ёки ўзгартирилиб, суд қарорлари қонунга мувофиқлаштирилган.

Маълумки, бугунги кунда ҳар бир соҳа, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизими ривожини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада Президентимизнинг бир қатор фармонлари амалга киритилиб, хўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг босқичма-босқич жорий этилишига замин яратилди.

Биринчи босқичда, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2013 йил 1 январдан бошлаб хўжалик судларида даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш тартиби амалиётга татбиқ этилди.

Айни пайтда тадбиркорлик субъектлари Олий хўжалик судининг расмий веб-сайти орқали республиканинг исталган хўжалик судига нафақат даъво аризалари ёки илтимосномаларни, балки апелляция ва кассация шикоятлари, шунингдек, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризаларни ҳам ўз хоҳишларига кўра, электрон шаклда тақдим этмоқдалар.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан бундай имкониятдан фойдаланиш кўрсаткичларининг ошаётгани унинг қулайлигидан далолат бермоқда. Хусусан, 2014 йилда тадбиркорлик субъектларидан хўжалик судларига электрон шаклда юборилган мурожаатлар ва уларга илова қилинадиган ҳуж-

жатлар сони ўтган йилга нисбатан 20,5 бараварга кўпайиб, 37179 тани ташкил этган.

Ўз ўрнида шунинг таъкидлаш жоизки, Олий ҳўжалик судининг расмий веб-сайти тўздан модернизаця қилиниб, унда "Электрон кутубхона" рукни ташкил этилди. "Электрон кутубхона"да тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида фойдаланиши мумкин бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланган. Шунингдек, унда Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари, суд амалиёти умумлашмалари, суд ҳужжатлари ва уларнинг намуналари, Олий ҳўжалик судининг Ахборотнома-си, чет эл давлатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий адабиётлар билан ҳам танишиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, 2013 йил 1 июндан бошлаб суд муҳокамаси иштирокчилари ёки муружаат муаллифларига турли хат-хабарлар ҳамда суд ҳужжатларининг суд томонидан электрон шаклда жўнатилиш тартиби жорий этилди.

Бугунги кунда суд муҳокамаси иштирокчилари-га 52 003 та хабар ва суд ҳужжатлари судлар томонидан маълумотлар алмашинувининг электрон воситалари орқали юборилганлиги тадбиркорлик субъектларига яратилган қулайликнинг ёрқин далилидир.

Иккинчи босқичда, ҳўжалик судларида иш юри-тишининг ягона корпоратив тармоққа, яъни электрон базага бирлаштирилган ҳолда олиб борилиши амалиётга жорий қилинди.

Эндиликда мазкур электрон база воситаси орқали қуйи ҳўжалик судларининг фаолияти Олий ҳўжалик суди томонидан доимий мониторинг ва назорат қилиб борилмоқда.

Президентимизнинг ташаббуси билан 2014 йил 1 сентябрдан ҳўжалик судларида суд мажлислари-ни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш амалиёти яратилганлиги тадбиркорлик субъектлари, давлат органларига қулайлик ва ҳўжалик судлари фаолиятини янада такомиллаштирилганлигининг учинчи босқичи сифатида ўрин олди.

Суд мажлисларини видеоконференцалоқа ре-жимида ўтказиш тадбиркорлик субъектлари учун шундай қулайлик яратдики, эндиликда ҳўжалик иш-ни кўраётган суд мажлисига қатнашиши лозим бўлган бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектлари вакиллари шу судга келмасдан, бево-сита ўзлари жойлашган ҳудуддаги ҳўжалик суди-нинг биносига келиб, видеоконференцалоқа тизи-ми орқали суд процессида иштирок этишлари мум-кин.

Бунинг учун ҳўжалик судларида суд мажлисла-рини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш имкониятини берувчи барча замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўрнатилган бўлиб, тизим тўлиқ ишга туширилди. "Ўзбектелеком" ком-панияси билан ҳамкорликда барча ҳўжалик судла-ри оптик толали алоқа тармоғига уланди.

Соҳадаги бу янгилик тадбиркорлик субъектла-

рига жуда катта қулайлик яратди. Эндиликда бош-қа вилоятдаги суд мажлисига бориш, бунинг учун сарф-харажат қилиш, ортиқча вақт йўқотиш каби ташвишлар деярли барҳам топди.

Видеоконференцалоқа тизими ишга тушган кун-дан буён, яъни 2014 йилнинг сентябрь ойидан 31 декабргача, яъни 4 ой ичида 1083 та суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида кўрилди. 2160 нафар суд иштирокчилари ўзлари жойлашган ҳудудларни тарк этмаган ҳолда, видеоконференц-алоқа режимида ўзга ҳудудда ўтказилган суд про-цессларида қатнашиб, уларнинг тахминан 455 млн. сўм маблағлари тежаб қолинди.

Таъкидлаш керакки, видеоконференцалоқа ре-жимида суд мажлисини ўтказишга доир Ҳўжалик процессуал кодексига киритилган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни кўраётган суд биносидаги мажлисда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини чекламайди. Хусусан, мазкур янги норма-ларда шахсларнинг видеоконференцалоқа режи-мидаги мажлисда иштирок этиш ҳуқуқи белгила-ниб, шу тизимнинг процессуал хусусияти мустаҳ-камланди. Жумладан, шахсларнинг видеоконференц-алоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқлари ишни судда кўришга тайёрлаш тўғриси-даги ажримда кўрсатилиши белгиланди. Бу ажрим ишда иштирок этувчи шахслар, ҳўжалик судлов ишларини юри-тишининг бошқа иштирокчилари ва уларнинг бундай мажлисда иштирок этишига кўмак-лашадиган, улар жойлашган ҳудуддаги ҳўжалик су-дига юборилади.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажли-сини ўтказишга кўмаклашадиган ҳўжалик суди эса суд жараёни пайтида ишда иштирок этувчи шах-слар ва ҳўжалик судлов ишларини юри-тишининг бош-қа иштирокчилари вакиллари ваколатларини тас-диқловчи ишончномалар, шунингдек, суд мажли-сида тақдим этилган ёзма далилларни ишни кўра-ётган ҳўжалик судига юборилишини таъминлайди. Яъни ишни кўриш вақтида суд томонидан ҳар қан-дай ҳужжатларнинг нусхасини зудлик билан олиш имконини берадиган техник воситалар суд мажли-си залларига ўрнатилди. Ҳужжатларнинг асли эса кейинчалик ишга кўшиш учун видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклаша-диган суд томонидан ишни кўрган судга юборила-ди.

Умуман олганда, ҳўжалик судлари тизимида амалга оширилаётган ушбу ишлар суд-ҳуқуқ тизи-мини янада демократлаштиришнинг яққол тимсоли бўлиб, одил судлов фаолиятининг сифат ва сама-радорлигини ошириш, судда ишларни кўришда тезкорликка ва процессуал муддатларнинг тежали-шига эришиш баробарида, тадбиркорлик субъект-ларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини тўла таъминлаш, бу борада проку-ратура органлари билан ҳамкорликни янада кучай-тиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эркин ГАДОЕВ,
 Давлат солиқ кўмитаси раиси ўринбосари —
 Солиқ академияси ректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБ- ТАОМИЛЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

- ◆ Мақола мамлакатда солиқ-бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулайлик ва имтиёزلарга бағишланган.
- ◆ Статья посвящена приоритетным направлениям налогово-бюджетной политики в стране, а также льготам и удобствам, созданным для субъектов предпринимательства.
- ◆ The article is devoted to priorities of the fiscal policy in Uzbekistan and privileges and opportunities being created for business entities

Таянч сўзлар: солиқ, бюджет, тадбиркорлик, даромад солиғи.

Ключевые слова: налог, бюджет, предпринимательство, налог на доход

Key words: tax, budget, business undertakings, income tax.

Солиқ-бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2014 йил 4 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарориди ўз ифодасини топган.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларидаги асосий ўзгаришлар, шунингдек, солиқ солишнинг айрим масалалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтадиган бўлсак, асосий эътибор иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга, солиқларнинг ижтимоий йўналтирилганлигига ва солиққа тортиш механизмини соддалаштиришга қаратилганлигини яққол кузатиш мумкин. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 2014 йилдаги солиқ ставкасига нисбатан 0,5 фоизли пунктга пасайтирилди ва 8 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,5 фоиз қилиб белгиланди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда эса, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб энг кам иш ҳақининг бир бараваригача "0" даражали ставкани назарда тутувчи тўрт поғонали солиқ ставкаларини қўллаш тартиби жорий этилди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда 2014 йилдаги уч поғонали солиқ ставкалари қўлланилган бўлиб, "0" даражали ставка кўзда тутилмаган эди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ олинадиган даромаднинг энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдоридан "0" фоизли ставкани, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдоридан 8,5 фоизли ставкани, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдоридан 17 фоизли ставкани ва энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан юқори миқдоридан 23 фоизли ставкани қўллаган ҳолда ҳисобкитоб қилинади.

Солиқни ҳисоблаш 2015 йил 1 январиди амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдори, яъни 118 400 сўмдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди. Шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ, энг

кам ставка бўйича солиқ солинадиган жисмоний шахсларнинг алоҳида даромад турларини солиққа тортиш мақсадида энг кам ставка 8,5 фоиз миқдоридан белгиланган.

Қурилиш индустриясини ривожлантириш билан боғлиқ яна бир қулайлик, яъни қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йил 1 январдан бошлаб 1 фоизли пунктга, яъни 2014 йилдаги 6 фоиз ўрнига 5 фоизга пасайтирилди.

Улгуржи ва улгуржи-чакана савдони амалга оширувчи савдо корхоналари учун (бундан дорихона ташкилотлари мустасно) 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона солиқ тўлови ставкаси унификация қилиниб (бирхиллаштирилиб), 5 фоиз миқдоридан белгиланди.

Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни кўрсатадиган яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари фаолиятнинг амалга оширилган жойига қараб 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб 2014 йилга нисбатан энг кам иш ҳақининг 0,5 баравари миқдоридан пасайтирилди.

Қатъий белгиланган солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан, яъни 118 400 сўмдан келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди.

Шунингдек, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланилган сув ҳажмларининг 1 куб. метри учун 10 минг сўм миқдоридан ҳамда бошқа мақсадлар учун 1 куб. метр ер усти сув манбалари учун 61,9 сўм ва ер ости сув манбалари учун 78,6 сўм миқдоридан солиқ тўлашлари белгиланди.

Бунда, мазкур корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни солиқ солиш тартибидан (умумбелгиланган ёки соддалаштирилган солиқ солиш тартиби) қатъи назар тўлайдилар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар бўйича ҳам тегишли ўзгаришлар кўзда тутилган. Жумладан, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг асосий ставкаси 2015 йилда мол-мулклар учун инвентаризация қийматига нисбатан 1,3 фоиз миқдоридан белгиланган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв. метр-

дан 500 кв. метргача бўлган турар жой ва квартираларга 1,6 фоиз, майдони 500 кв. метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун эса 2,2 фоиз миқдоридан белгиланган.

Жисмоний шахслар мол-мулкнинг баҳолаш органлари томонидан белгиланган инвентаризация қиймати мавжуд бўлмаганда, солиқни ундириш 2015 йил 1 январдан бошлаб мол-мулкнинг Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20 328,0 минг сўм миқдоридан, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда эса 8 833,0 минг сўм миқдоридан шартли қийматидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахслар учун эса, кўчмас мулкни объектлар бўйича ҳисобга қўйиш, мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини топшириш ва уни тўлашни ушбу мулк жойлашган жойда амалга ошириш тартиби белгилаб қўйилди.

Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғини ҳисоблашда 2015 йил 1 январдан белгиланган нормативлардан юқори ер участкаларига базавий ставкаларга 1,5 кўпайтирувчи коэффициент қўлланилади.

Бунда жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғини ҳисоблаш мақсадида ер участкаларининг нормативлари Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлар бўйича — 0,06 гектар, бошқа аҳоли пунктлари бўйича (деҳқон хўжаликларидан ташқари) — 0,1 гектар миқдоридан белгиланган.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун 2015 йил 1 январдан ягона ижтимоий тўлов ставкаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан 2014 йилда амалда бўлган 25 фоиз ўрнига 15 фоиз миқдоридан белгиланганлиги уларда солиқ юкининг сезиларли пасайтирилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатлари узайтирилди. Жумладан, бюджет ташкилотларининг асосий фаолияти соҳасида кўрсатдиган пуллик хизматларидан оладиган қўшимча даромадлари бўйича белгиланган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2018 йил 1 январгача узайтирилди.

Шунингдек, олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида кадрларни тайёрлаш учун тушадиган маблағлардан олий таълим муассасаларини (моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини замонавий таълим воситалари билан таъминлаш, олий таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланиш шартли билан) солиқлар

ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан озод этиш бўйича имтиёзлар ҳам 2018 йил 1 январгача узайтирилди.

Солиқ сиёсатининг 2015 йилдаги асосий йўналишларида тадбиркорлик субъектлари, айниқса, янгидан фаолиятини бошлаётган тадбиркорлар учун қатор қулайликлар белгиланган. Жумладан, микрофирма ва кичик корхоналарни ҳамда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативи 20 фоиздан 50 фоизга оширилди.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан суғурта бадаллари ва қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг улар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб коллеж битирувчиси ўн икки ой ичида фаолиятини ту-

гатса, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Шунингдек, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари солиқ ва молиявий ҳисоботларини фақатгина телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этишлари тартиби белгилаб қўйилди. Бу меъёр тадбиркорлик субъектларининг ушбу ҳисоботларни тақдим этиш билан боғлиқ вақт сарфи ва молиявий харажатларининг қисқартирилишини таъминлайди.

Давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий санкциялар суммаларини тўлашни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда амалга ошириш ҳуқуқини назарда тутадиган тартиб юридик шахслар сингари якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам татбиқ этилиши ҳам белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ер солиғи ва ягона ер солиғи тўловининг даврийлиги йилга уч мартадан икки мартага қисқартирилди, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғи ва ягона ер солиғини тўлаш ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи ва ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар — солиқнинг қолган суммаси миқдоридан амалга оширилади.

Шубҳасиз, 2015 йилнинг солиқ сиёсатида белгиланган йўналишлари республикамизда иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.



ЖИНОЯТ КОДЕКСИ МАХСУС ҚИСМИДА ИШТИРОКЧИЛИКДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

- ✦ Мақолада Жиноят кодекси Махсус қисмининг иштирокчилиқда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгилувчи нормалари таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар баён қилинган.
- ✦ В статье проанализированы нормы Особенной части Уголовного кодекса, устанавливающие ответственность за преступления, совершенные в соучастии, а также сформулированы предложения по их совершенствованию.
- ✦ The article analyses the norms of special part of the criminal code establishing liability for crime committed in complicity and proposals on their improvement are formulated.

Таянч сўзлар: бир гуруҳ шахслар, оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма.

Ключевые слова: группа лиц, простое соучастие, сложное соучастие, организованная группа, преступное сообщество.

Key words: group of individuals, simple complicity, compound complicity, organized group, criminal community.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми нормалари Умумий қисмда белгиланган қоида (тушунча)лар асосида амалиётга жорий этилади. Шу боис ЖКнинг Умумий ва Махсус қисмлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, мазмунан бири иккинчисини тўлдирди. Бу эса ЖК Махсус қисмининг нормаларини Умумий қисмда қайд этилган қоида ва тушунчаларга мувофиқ тарзда ифодалашни талаб этади. Шундай экан, ЖК Махсус қисми нормаларида Умумий қисмда ўз ифодасини топмаган қоида ёки иборалардан фойдаланиш мантиқан тўғри бўлмайди. Чунки ЖКнинг Махсус қисмида, Умумий қисмда ўз аксини топмаган тушунча ва иборалардан фойдаланилиши жиноятларни тўғри квалификация қилиш, тайинланадиган жазо чораларини нотўғри танлаш ва жиноят-ҳуқуқий нормаларни амалда самарали қўллаш билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилишига салбий таъсирини кўрсатади.

ЖК Махсус қисми нормаларига шу нуқтаи назардан ёндашган ҳолда назар ташланса, унда Умумий қисмининг жиноятда иштирокчилик институтига доир нормаларининг Махсус қисм моддаларига татбиқ этилишида таъкидланган талабларга тўлиқ амал қилинмаганлигини кузатиш мумкин. Хусусан,

бунинг тасдиғи қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, жиноятда иштирокчиликнинг Умумий қисмда назарда тутилган шакллари, Махсус қисмда тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Жумладан, ЖКнинг 29-моддасида жиноятда иштирокчиликнинг оддий, мураккаб, уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма шакллари назарда тутилган. Лекин, ЖК Махсус қисмида улар «бир гуруҳ шахслар томонидан» (14 та жиноят таркибида), «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» (45 та жиноят таркибида), «уюшган гуруҳ томонидан» (3 та жиноят таркибида), «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда» (32 та жиноят таркибида), «уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда» (4 та жиноят таркибида) ва «уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб» (10 та жиноят таркибида) деган иборалар билан қайд этилган. Шунингдек, ЖК Махсус қисмининг ҳеч бир моддасининг оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи таркибларида жиноятнинг жиноий уюшма томонидан содир этилиши кўрсатилмаган.

Кўриб турганимиздек, ЖКнинг Махсус қисмида иштирокчиликнинг фақат битта шакли (уюшган гуруҳ томонидан) ўз номи билан қайд қилинади. Унинг

бошқа моддаларида иштирокчиликнинг оддий ва мураккаб шакллари ўз ифодасини топмаган. Ҳолбуки, ЖКнинг Махсус қисми моддаларида назарда тутилган «бир гуруҳ шахслар томонидан» ва «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» оғирлаштирувчи таркиблари иштирокчиликнинг қайси шакллари назарда тутганлигига ойдинлик киритмайди. Мазкур масала бўйича жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам бир хил ёндашув мавжуд эмас. Масалан, адабиётларда ЖК Махсус қисмининг «бир гуруҳ шахслар томонидан» оғирлаштирувчи белгиси иштирокчиликнинг барча шакллари ва «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» оғирлаштирувчи белгиси эса, иштирокчиликнинг оддий шаклидан ташқари қолган барча шакллари қамраб олади¹ дейилади. Бу муаммонинг бир жиҳати бўлса, унинг иккинчи жиҳати оғирлаштирувчи ушбу белгиларнинг мазмунини тушуниш ва уларнинг суд амалиётига жорий қилиниши билан боғлиқ. Хусусан, бугунги кунда жиноят қонуни нормасида таҳлил қилинаётган оғирлаштирувчи мазкур белгиларнинг тергов ва суд амалиётида², шунингдек назарияда³ икки ёки ундан ортиқ шахс жиноятда фақат бажарувчи сифатида қатнашган тақдирда қўллаш мумкин деган фикр шаклланишига олиб келган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрь қарорида (20-банд, 3-хатбоши): «Қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган ҳамда жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатмаган, бироқ ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишида кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ЖК 28, 97-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади»⁴, дейилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ЖСХ-261-11-сон билан кўриб чиқилган назорат ишида ҳам юқоридаги ҳолат қўллаб-қувватланади. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2008 йил 7 июлдаги ҳукмига кўра, фуқаро А.га ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в», «ж», «п» бандлари билан 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Аниқланишича, фуқаро Г. 2008 йил 15 март куни соат 21:00да турмуш ўртоғи Д.нинг олдида маст ҳолатда келиб, уни ҳақорат қилгани учун Д. амакиси А. билан Г.ни ўлдиришга жиноий тил бириктирган. Шундан сўнг 2008 йил 16 март куни соат 10:00 да Д.нинг топшириғига кўра, А. болта билан қуролланиб, маст ҳолатда ўхлаб ётган Г.нинг боши, елкаси ва кўкрак қафасига қасддан бир неча марта болта уриб, ўта шафқатсизлик билан ўлдирган. Суд иши материалларида А. Г.ни ҳаётдан маҳрум қилишда бевосита иштирок этганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини, А. Д. билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, Г.ни қасддан ўлдирган деб эмас,

балки Д. Г.ни қасддан ўлдиришда иштирок этган деб баҳолаб, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 15 сентябрдаги ажрими билан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2008 йил 7 июлдаги ҳукми ҳамда шу суд апелляция инстанциясининг 2011 йил 23 февралдаги ажрими ўзгартирилиб, А.нинг айбловидан ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «п» банди чиқарилиб, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в, ж» бандларидан шу кодекснинг 28, 97-моддаси 2-қисми «в», «ж» бандларига қайта квалификация қилган⁵.

Бундан кўриниб турибдики, суд амалиётида жиноят содир этишда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилик вазифаларини бажарган бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари ЖКнинг «бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган» квалификация қилинувчи белгиси билан ҳуқуқий баҳоланмайди. Уларнинг қилмиши ЖК 28-моддаси ва Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилинади. Бу эса, ташкилотчилик, далолатчилик, ёрдамчилик ҳаракатларини таажжубли ҳолда жиноятнинг бевосита бажарувчиси ҳаракатлари билан алоқадор бўлмай қолаётганлиги ҳақида фикр юритишга асос бўлади. Бироқ, биз жиноятда иштирокчилик шаклини ифода этадиган бу каби (жиноятда бажарувчи билан бирга ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар иштирок этган) ҳолатларни ЖКнинг иштирокчилик учун жавобгарликни назарда тутувчи белгиси билан баҳоланмаслигига қўшилмаймиз. Боиси ЖКнинг VII бобда иштирокчилик қайси шаклда ифодаланмасин, бари бир жиноятда иштирокчиликни ташкил этиши кўзда тутилади.

иккинчидан, ЖК Махсус қисмидаги 6 та модданинг (112-м. 2-қ. «б» б., 159-м. 3-қ. «б» б., 171-м. 3-қ. «в» б., 173-м. 3-қ. «б» б., 182-м. 2-қ. «в» б., 278-м. 2-қ. «б» б.) оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи таркибда иштирокчиликнинг фақат уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этиладиган белгиси кўрсатилади. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур белгининг мазмунига иштирокчиликнинг оддий ва мураккаб шакллари кирмайди. Демак, бундай таркибли жиноятларда оддий ёки мураккаб иштирокчиликда содир этилган жиноятлар умумий асосларга кўра квалификация қилинади. Натижада иштирокчиликда содир этилган жиноятлар иштирокчилик тарикасида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топмайди.

Шу билан бирга, ЖК Махсус қисмининг 16 та моддасида (130-м. 2-қ. «б» б., 130¹-м. 2-қ. «б» б., 137-м. 2-қ. «в» б., 156-м. 3-қ. «д» б., 175-м. 2-қ. «б» б., 189-м. 2-қ. «б» б., 190-м. 2-қ. «б» б., 206¹-м. 2-қ. «в» б., 223-м. 2-қ. «б» б., 228-м. 2-қ. «б» б., 228¹-м. 2-қ. «б» б., 244¹-м. 3-қ. «а» б., 255²-м. 2-қ. «б» б., 264-м. 2-қ. «а» б., 278⁴-м. 2-қ. «б» б., 278⁵-м. 2-қ. «а» б.) жиноятнинг фақат «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» содир этилиши оғирлаштирувчи белги сифатида кўрсатилади

(мазкур жиноят таркибларида жиноятни олдиндан тил бириктирмай бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши оғирлаштирувчи белги сифатида кўзда тутилмайди). Наинки, суд амалиёти агарда мазкур турдаги жиноятлар уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, Махсус қисмининг таҳлил этилаётган оғирлаштирувчи белгиларини қўллайди. Аммо эътибор берилса, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларнинг бу тарзда квалификация қилиниши жиноятда иштирокчиликнинг шаклларини ажратмай, улар ўрта-сидаги чегарани йўққа чиқаради.

Бундан ташқари, ЖКнинг бир қатор қасддан қилинадиган жиноят таркибларида умуман иштирокчилик белгилари оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи белги сифатида назарда тутилмайди. Бу ҳолат ўз навбатида, иштирокчиликда содир этилган мазкур турдаги жиноятларни квалификация қилишда муаммо келтириб чиқаради. Мазкур масала айна пайтда жиноят қонунда ҳам ўз ечимини топмаган. Бироқ, назарияда агарда ЖК Махсус қисми тегишли моддасининг оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи таркибларида «бир гуруҳ шахслар томонидан», «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» ёки «уюшган гуруҳ томонидан содир этилган» белгиси назарда тутилмаган бўлса, иштирокчиларнинг қилимиши ЖК 28-моддасининг тегишли қисмига ҳавола қилинган ҳолда мазкур модданинг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги таъкидланади⁶. Бу эса албатта, мазкур масалани ҳал қилишнинг энг тўғри ва мақбул йўлидир. Ҳолбуки, иштирокчиликда содир этилган бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда ЖКнинг 28-моддасига ҳавола қилинганлигининг ўзи жиноятни иштирокчиликда содир этилганлигидан далолат беради. Бироқ, айна пайтда жиноятларни квалификация қилишда бундай ҳолатларга дуч келишнинг ўзи, авваламбор, ЖК Махсус қисмининг иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш масаласининг тўлиқлигича ҳал қилинмаганлигидан гувоҳлик беради;

учинчидан, ЖК Махсус қисмининг 6 та моддасида (97-м. 2-қ. «п» б., 104-м. 2-қ. «и» б., 244¹-м. 3-қ. «а» б., 278²-м. 2-қ. «а» ва «г» банлари, 278³-м. 2-қ. «а» ва «г» бандлари, 278⁶-м. 2-қ. «б» ва «г» б.) иштирокчиликнинг икки шакли айна вақтнинг ўзида бир модданинг битта қисмида оғирлаштирувчи белги тариқасида кўрсатилади. Табиийки, улар учун белгиланадиган жазо чораси, албатта, шу қисм санкцияси доирасида белгиланади. Ўз навбатида, жиноятда иштирокчилик шакллари учун битта жиноят таркибининг айнан санкцияси доирасида жазо назарда тутилиши ЖК 42-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жазо мақсадига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб ҳулоса қилинганда, жиноятда иштирокчилик институ-

тининг ЖКнинг Махсус қисми нормаларида ифодалаш ва иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун амалдаги ЖКга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақозо этилади. Шу боис бу борада биз жиноят қонунини нормаларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдираемиз:

1) жиноятда иштирокчиликнинг оддий ва мураккаб ҳамда жиний уюшма шакллари ЖК Махсус қисмининг оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи таркибларида тўғридан-тўғри кўрсатилмаганлиги ва иштирокчиликнинг ушбу шаклларини қамраб олиши мумкин бўлган оғирлаштирувчи белгиларини («бир гуруҳ шахслар», «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса» ва «уюшган гуруҳ томонидан») амалиётга жорий қилинишида бир хиллик мавжуд эмаслигини инобатга олиб, уларни бартараф этиш мақсадида жиноятда иштирокчиликнинг оддий ва мураккаб шаклларини бирлаштириб ҳамда уюшган жиний гуруҳ ва жиний уюшма шаклларини битта бандда кўрсатган ҳолда қайд этиш ва ЖК Умумий қисмида уларнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, жавобгарликни индивидуаллаштиришга хизмат қилувчи махсус қонидани жорий этиш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан, иштирокчиликнинг амалдаги оддий ва мураккаб шаклларини бирлаштириб, уларни «жиний гуруҳ» деб номланган ҳолда («жиний гуруҳ» тушунчаси, белгиси ва турлари ЖК Умумий қисмида берилди) ЖК Махсус қисмининг «бир гуруҳ шахслар» ва «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса» белгилари «жиний гуруҳ томонидан содир этилган бўлса» оғирлаштирувчи белги билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида, жиноятнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилишини ифодаловчи мазкур ҳолатларини ягона мезонлар асосида квалификация қилиш ва суд-тергов амалиётида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни бартараф қилишга хизмат қилади;

2) ЖК Махсус қисмининг нормаларида жиноятда иштирокчиликнинг ҳар бир шаклининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини инобатга олиб, Махсус қисм моддаларида белгилашда иккита қонидога амал қилиш керак. Биринчи қонидо, агарда жиноят таркиби таснифланишига кўра ўта оғир бўлса, уларни оғирлаштирувчи таркибли битта қисмида ифодалаш мумкин, фақатгина унда жиноятда иштирокчилик шаклларини турли бандларда қайд қилиш керак. Иккинчи қонидо агар жиноят таркиби таснифланишига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ёки оғир бўлса, бундай квалификация қилинувчи белгилар жиноят таркибининг турли қисмларида кўрсатилиши керак. Боиси, суд иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашда жиноят иштирокчила-

рининг жавобгарлигини индивидуаллаштириш имконига эга бўлсин ҳамда бу ҳолат иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилсин. Шу муносабат билан амалдаги ЖКнинг қуйидаги моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади:

– ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «п» бандини «жиноий гуруҳ томонидан содир этилган бўлса» таҳририда ифодалаш ва «уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан ёхуд уларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса» мазмундаги янги «п¹» банди билан тўлдириш;

– ЖК 105-моддаси 2-қисми «и» бандидан «уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб» деган сўзларини чиқариб, ушбу моддани қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш: «Ўша қилмишлар уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан ёхуд уларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

– ЖК 278², 278³ ва 278⁶-моддаларининг 2-қисми «г» бандларини чиқариб, ушбу жиноят таркибларини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш: «Ўша қилмишлар уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан ёхуд уларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) ЖКнинг алоҳида моддаларидаги «уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса» (104-м. 3-қ. «г» б., 112-м. 2-қ. «б» б.), «уюшган гуруҳ томонидан» (202-м. 3-қ. «д» б., 251¹-м. 3-қ., 267-м. 3-қ. «б» б.) ва уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса (135-м. 2-қ. «г» б., 159-м. 3-қ. «б» б., 164-м. 2-қ. «в» б., 165-м. 3-қ. «в» б., 166-м. 4-қ. «в» б., 167-м. 3-қ. «в» б., 168-м. 3-қ. «в» б., 169-м. 4-қ. «в» б., 171-м. 3-қ., 173-м. 3-қ., 176-м. 3-қ., 177-м. 3-қ., 178-м. 3-қ., 182-м. 2-қ., 185¹-м. 3-қ. «в» б., 186¹-м. 3-қ. «б» б., 186²-м. 3-қ. «б» б., 186³-м. 3-қ. «б» б., 188-м. 3-қ. «б» б., 247-м. 3-қ. «в»

б., 250¹-м. 3-қ. «б» б., 251-м. 3-қ. «в» б., 252-м. 3-қ. «а» б., 270-м. 3-қ. «б» б., 271-м. 3-қ. «б» б., 273-м. 4-қ. «б» б., 278¹-м. 2-қ. «б» б.) оғирлаштирувчи белгиларини «уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан ёхуд уларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса» белгиси билан ҳамда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса (205-м. 2-қ. «б» б., 206-м. 2-қ. «б» б., 206¹-м. 3-қ. «б» б., 209-м. 2-қ. «б» б., 210-м. 3-қ. «в» б., 211-м. 3-қ. «б» б., 212-м. 3-қ. «в» б., 205-м. 3-қ. «в» б., 237-м. 2-қ. «в» б., 238-м. 3-қ.) оғирлаштирувчи белгисини «уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса» белгиси билан алмаштириш;

4) иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши самарали кураш олиб боришнинг таъсирчанлигини ошириш ва амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш ҳамда улар учун ЖК Махсус қисм нормаларида жавобгарлик белгилашда бир хилда ёндашилишини таъминлаш, шунингдек, жавобгарликни индивидуаллаштириш мақсадида ЖКнинг 112, 131, 133, 138, 147, 171, 182, 186, 227, 236, 245, 248, 263 ва 278-моддаларининг 2-қисмига «жиноий гуруҳ томонидан содир этилган бўлса» ҳамда 105, 118, 130¹, 131, 133, 137, 138, 147, 175, 186, 189, 190, 206¹, 220, 222, 223, 227, 228, 228¹, 235, 236, 245, 263, 264, 277, 278⁴, 278⁵-моддалари учинчи ҳамда 130, 156, 244¹, 248, 255²-моддалари тўртинчи қисмларига «уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан ёхуд уларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса», шунингдек, 146-моддаси 2-қисмига «уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб» оғирлаштирувчи белгиларини киритиш лозим.

Ўйлаймизки, ЖК Махсус қисмида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш борасида ушбу қоидаларни инobatга олган ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши бу турдаги жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширади ҳамда иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

¹ Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A.A. ktajonov, I.A. Sottiyev va boshq. – T.: k'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – B. 133.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2007 йил 27 июнь 6-сонли қарори // <http://www.lex.uz/> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

³ Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш: Жиноят кодекси Махсус қисми Х бабига шарҳлар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: ТДЮУ, 2013. – Б. 35.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрь 13-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. – Т., 2007. – Б. 199.

⁵ Жиноят ишлари бўйича суд амалиёти // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – 2012. – № 1. – Б. 39.

⁶ Соттиев И.А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2002. – Б. 14.

Шухрат МУСТАФАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Олий ўқув курслари бошлиғи

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ: ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

- ◆ Мақола прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган.
- ◆ Статья посвящена принимаемым мерам по повышению квалификации работников органов прокуратуры.
- ◆ The article is devoted to measures being taken to upgrade professional skills of the employees of the Prosecutor's office.

Таянч сўзлар: Олий ўқув курслари, малака ошириш, ўқув машғулоти, ўқув дастурлар.

Ключевые слова: Высшие учебные курсы, повышение квалификации, учебное занятие, учебный программы.

Key words: High training courses, raising the level of one's skill, exercise of educational, educational curriculum.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, жамиятнинг маънавий янгилиниши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шакллантирилиши мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш йўлида муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилигида халқимизнинг тафаккур ва ўтмишдан қолган мафкуравий қарашларини ўзгартиришга, миллий ўзлигини англашга, ўз ватани учун ифтихор туйғусини шакллантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Шахснинг билим олиш, бепул умумий таълим олиш ҳуқуқининг давлат томонидан кафолатланиши, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши ҳақидаги халқаро нормалар мамлакатимиз Конституциясида ўз аксини топди.

Шахснинг билим олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини бевосита таъминлаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун 1997 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинди ва шу куннинг ўзида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Уларда давлат фуқаронинг нафақат би-

лим олиши, балки касб танлаши ва ўз малакасини ошириши каби ҳуқуқларининг рўёбга чиқаришида кафолат бўлиши ҳақидаги қоидалар акс эттирилди.

Миллий дастурда "Ўзлуксиз таълим" тамойили белгилаб берилди ва таълимнинг "Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш" тури алоҳида эътироф этиб ўтилди.

Юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, мамлакатнинг конституциявий тузуми ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида прокуратура органларида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистонда "Прокуратура" алоҳида конституциявий орган сифатида эътироф этилган бўлиб, Президентимиз таъбири билан айтганда: "Прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутди". Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 8 январдаги Фармонида асосан мамлакатимизнинг мустақил прокуратураси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги қарори билан прокуратура органларининг моддий-техник таъминоти Республика бюджети ҳисобидан таъминланиши белгиланди ва ушбу

◆ Мақолада жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамиятлари институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари ёритилган.

◆ В статье освещены вопросы сотрудничества взаимодействия между правоохранительным органом с институтом гражданском обществом для противодействия преступности.

◆ The article focused on the cooperation of law enforcement bodies with civil society institutions on fighting against crime.

Таянч сўзлар: жиноятчилик, фуқаролик жамиятлари институтлари, сиёсат, коррупция.

Ключевые слова: преступность, гражданское общество, политика, коррупция.

Key words: criminality; civil society; policy; corruption.

Ўзбекистон давлати мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгилади ва уни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Мустақиллик арафасидаги собиқ иттифокда давлат бошқарувининг бутунлай издан чиққанлиги нафақат иқтисод, балки давлатнинг ташқи ва ички ҳимоясини ҳам таъминлай олмайдиган даражага келиб қолган эди.

Шу туфайли давлатимиз раҳбарининг қатъий ҳаракатлари билан жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишга давлат идоралари, жамоатчиликнинг барча бўғинлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролар ҳамкорликка жалб этилди. Ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида “Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин”лиги алоҳида белгилаб қўйилган. Шу тариқа давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг асосий йўналиши белгилаб берилди.

Табиийки, уларнинг ҳаракатлари фақат фу-

қаролик жамиятининг ва халқнинг барча институтлари ҳамда жамоатчилик ёрдамида муваффақият қозониши мумкинлиги эътиборга олинди. Ушбу институтларнинг ҳамкорлиги масалалари бутун дунё криминологлари томонидан тан олинган ва БМТнинг бир қатор резолюцияларида ўз аксини топган. Жумладан, БМТнинг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарлар билан муносабатга бағишланган махсус сессияси IV Конгресси материалларида таъкидланишича, дунёдаги турли давлатларда жиноятчиликка қарши курашда жамоатчилик институтларидан фойдаланиш мезонлари объектив сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий факторлар туфайли турличадир, аммо ягона фикр шунга келиб тақаладики, барча фуқароларнинг, бутун жамиятнинг ёрдамисиз жиноятчиликка қарши курашиб бўлмайди.¹ Фуқароларимизнинг ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик ва коррупция жамиятга олиб кирадиган емирилишдан энг тўғри ва самарали ҳимояси ҳисобланади. Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, маҳалла институтининг обрў-эътибори,

хамма-хаммаси фуқароларимизда қонунбузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга қаратилмоқда.

Республикаимиз Президенти таъкидлаганидек, ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби салбий ҳодиса сифатида юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсик, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради.

Эътироф этилишича, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва барча даврларда бўлган. Бироқ, ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислохотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз беради. Айни шу ҳолат ислохотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли ҳисобланади. Бу масалани одилона ҳал қилиш давлатнинг ўз сиёсатини тўғри белгилаши билан боғлиқ. Яъни халқ меҳнати билан яратилган моддий бойликларнинг бир тўда олғирлар қўлига ўтиб кетиши ва уларни ҳисобсиз бойликка эга бўлиб (олигарх) жамият билан ҳисоблашмай кўйишларига йўл қўймаслик зарур. Ҳар бир мамлакат бу жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгилайди. Уни жиноятчилар дунёсининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишга сафарбар этади. Ўзбекистон давлати айнан шу соҳада ҳам одилона ва оқилона сиёсати билан кўпгина мамлакатларнинг эътирофига сазовор бўлди. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва унга ўтиш, давлат мулкни хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга оширилди.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати жамиятда доимий равишда ҳал этилиши мураккаб бир муаммо тариқасида кечадиган жараён — жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни бартараф этишга қаратилгандир. Унинг аҳволи, унга қарши курашнинг олиб борилиши давлат тузилиши ва ривожланишини тўғри ташкил этилишига ҳам боғлиқ бўлади.

Шу тўғрисида ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, жиноятчиликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу йўналишда тизимли равишда фаолият юритилмоқда.

Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши кураш

сиёсатини назария тариқасида ҳам ўрганиш тақозо этилади. Унинг назарий асосларини шакллантирмасдан туриб, жиноятчиликка қарши кураш амалиётини яратиб бўлмайди.

2001 йилда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қонун жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг янги тамойилларини белгилаб берди. Бу босқичнинг моҳияти жиноятчиликка қарши курашда, унинг олдини олиш, жиноятнинг салбий таъсирларини бартараф этишга йўналтирилганлигида намоён бўлди.

Жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий янгилликлар киритилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий қилинди. Жиноят ишларини тергов қилиш, шахсни ҳибсда ушлаб туриш, ишларни судларда кўриб чиқишнинг янги тартиби ва қатъий муддатлари белгиланди.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлган жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг олиб борилиши муносабати билан жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари кескин камайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашиш самарадорлиги, жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ”². Президентимизнинг ушбу фикрларининг нақадар асослилигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бормоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширишда Жиноят кодекси махсус қисмидаги моддаларда муқобил санкцияларни кўпайтириш, шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тузалишига рағбатлантирувчи нормаларни киритиш, ЖКда жиноят сифатида назарда тутилган, ижтимоий жиҳатдан унчалик хавфли бўлмаган қилмишларнинг декриминализация қилиниши, яъни улар жиноий қилмиш сифатида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланишига кенгроқ ўрин бериш йўли танланган. Ушбу йўналишда мамлакатимизда из-

чил суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самарали тарзда амалга ошириляпти.

Жинойатчи унсурларнинг янги ҳўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва ҳуфиёна иштирок этиши мулкдорлар синфини қарор топишида, мулкни тақсимланишида ноқонуний усуллардан фойдланишлари жамиятда аҳолининг асосли норозилигини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципини таъминлаш йўлида улкан ишлар қилинди. Унга мувофиқ, жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, мулкӣ ва мансаб мавқеидан, динга муносабатидан, ижтимоий уюшмаларга аъзолигидан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлиб, уларни жавобгарликка тортиш масаласи содир этган ножўя хатти-ҳаракатининг моҳиятига боғлиқ бўлади. Бу принципга риоя этиш фуқароларнинг ҳуқуқӣ давлат ва демократик жамиятдаги ҳуқуқӣ мавқеининг пойдеворини ташкил қилади.

Жиноят процессида яна бир тамойил мавжудки, унга риоя этиш фуқароларни қонунларга итоат этиш ва ҳурмат қилишга олиб келади. Одиллик принципи деб қонунга киритилган ушбу тамойил жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқӣ таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч ким айнан битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Одиллик принципи шуни англатадики, суд жазо тайинлашда эҳтиросга эмас, балки содир этилган жиноятга ва айбдорнинг шахсига объектив баҳо бериши шарт.

Қонунларда белгиланган одиллик принципи ва инсонпарварлик принципи бир-бирини тўлдиради, шунингдек, улар қонунларимизни мукамал тарзга олиб келган.

Инсонпарварлик принципи Жиноят кодексининг 7-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ, шахсга тайинланган жазо ва бошқа таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Демократик давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати барча фуқароларнинг уларнинг ижтимоий ҳолатидан, машғулот туридан, гојларидан, миллатидан бошқа ижтимоий-демогра-

фик ва шахсий хусусиятларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқӣ ҳимояланганлигини назарда тутди.

Инсонпарварлик ҳар бир инсонни тенг жиний-ҳуқуқӣ ҳимоялашни талаб қилади. Айнан шу принциплар айб шакли, мотив ва мақсадлар билан фарқ қиладиган турли қилмишларга бир хил жазо чораларини қўллашга йўл қўймайди.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг инсонпарварлик қарашлари нафақат жабрланувчиларни, балки жиноят содир этган шахсларни ҳам ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўяди. Унинг амалга оширилиши айбдорни қасос ва ўч олишдан давлат ҳимоясига олади ҳамда жиний ва жиний-процессуал қонунлар доирасида жавобгарликка тортилишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда умуман ижтимоий сиёсат ва хусусан, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати асосига гуманистик принциплар қўйилмоқда. Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида бу принцип асосий аҳамиятга эга. Унинг амалга оширилиши шахснинг давлат ва унинг органлари билан ҳуқуқӣ тартиб ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги муносабатларни кафолатлаш, инсон учун энг муҳим бўлган унинг айрим ҳаётӣ фаолият соҳалари давлатнинг аралашувидан холи бўлишини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, у давлат, хусусан, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига улардаги мавжуд восита ва усуллар билан инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини юридик кафолатлаш мажбуриятини юклайди. Шундай қилиб, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ҳам инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлигидан келиб чиқиши керак.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти инсонларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари билан чамбарчас боғлиқ экан, ушбу ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш соҳасидаги вазифалар ҳам англанади. Прокуратура органлари ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари мамлакатда қонун устуворлиги, қонунийлик, барқарорлик ва тинчликнинг таъминланишига хизмат қилмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашга доир давлат сиёсатининг амалга оширилишида прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришдаги ўрни алоҳида эканлигини ҳам таъкидлаш лозим

бўлади. Мамлакатда « ... инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва уларнинг мазкур соҳада фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида 2004 йилдан бошлаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда¹. Ушбу сазъ-ҳаракатлар республикамизда умумий жиноятчилик ва айрим турдаги оғир жиноятларнинг ҳам камайишига олиб келмоқда.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва элементларидан бири сифатида фуқароларнинг қонунларни ҳурмат қилишлари ва уларга итоат этишларида кўринади. Давлатнинг нуфузи, бошқарув тизимининг самарадорлиги айнан мана шунда кўринади. Бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларида уруш ҳолати содир бўлаётган бир вақтда мамлакатимиз аҳолисининг тинч, осойишта, барқарор яшашлари учун барча чоралар кўриляпти. Халқнинг фаровонлиги давлатимиз сиёсатининг асосий мазмунини ташкил этади. Шу туфайли мамлакатда жиноятчиликка қарши курашишда барчадан бирдек масъулият талаб этилади.



¹ Кабулов Р., Соттиев И., Жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати ва унинг ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилиши. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси. 2012 йил, 223-бет.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. 35-б.

Эркин ХОЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси «Бошқарувнинг ҳуқуқий асослари»
кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент

ЮРИДИК ШАҲСЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

- ◆ Мақолада юридик шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлигини ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш масалалари ҳамда соҳага доир хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили баён этилган.
- ◆ В статье освещены вопросы применения административно-правовой ответственности юридических лиц в правоприменительной практике и опыт зарубежных стран в данной сфере.
- ◆ The article discusses application of administrative legal responsibility of legal entities in law-enforcement practice and foreign experience in this sphere.

Таянч сўзлар: юридик шахс, маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик, айб.

Ключевые слова: юридическое лицо, административной-правовой ответственность, правонарушение, вина.

Key words: juridical person, administrative legal responsibility, delinquency, guilt.

Юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласи анча йиллардан буён турли ҳуқуқ соҳаларининг тадқиқот объекти сифатида қаралади. Ҳозирги кунда ҳам у ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

Илмий адабиётларда юридик жавобгарлик, кўпгина ҳолатларда, давлат олдидаги мажбурият, яъни ҳуқуқ нормалари талабларига риоя қилиш ва ижро этиш бўйича ҳуқуқий мажбурият сифатида талқин қилиниши концепцияси кенг тарқалган.¹

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини — қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинади.

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода, фуқаро, жамият, давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар келтирадиган (айрим ҳолларда хавфни юзага келтирадиган) хулқ-атвор бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади.

Ҳуқуқбузарликнинг мазмуни қуйидаги умумий хусусиятлар билан белгиланади:

— ҳуқуқбузарлик — ижтимоий зарарли (хавфли) ҳисобланади, яъни уларнинг содир этилиши орқали қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар (хавф) етказилади;

— ҳуқуқбузарлик — ҳуқуққа хилоф ҳисобланади, яъни бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонун ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри тақиқланган;

— ҳуқуқбузарлик — бу қилмишдир, у онгли ва иродали ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади;

— ҳуқуқбузарликда — айб мавжуд бўлади;

— ҳуқуқбузарлик — жазога сазовор қилмишдир, яъни содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган тақдирдагина, бундай хатти-ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилиши мумкин.

Ҳуқуққа хилоф, айбли ва жазога сазовор қилмиш ҳамма вақт ҳам ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди. Гап шундаки, аниқ бир қилмишда ҳуқуқбузарликнинг умумий хусусиятлари мавжуд бўлиши, лекин ҳуқуқбузарлик таркиби элементлари бўлмаслиги мумкин ҳамда бу ҳолат шахснинг жавобгарликка тортилишини инкор этади.

Ҳуқуқбузарлик таркибини ифодаловчи хусусиятлар — бу қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ва содир этилган қилмишни ҳуқуқбузарлик

сифатида ифодалаш мумкин бўлган хусусиятлардир.

Жавобгарликнинг асоси сифатида ҳуқуқбузарликнинг намоён бўлиши, унинг субъектив ва объектив хусусиятларга эга бўлишига боғлиқдир.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик асосида айбнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Жавобгарлик фақатгина айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун қўлланилади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти хатти-ҳаракатида айбнинг мавжуд бўлиши унинг юридик хусусиятининг мажбурий ва зарурий белгисидир. Айбнинг мавжуд бўлмалиги жавобгарликнинг асоси сифатидаги ҳуқуқбузарликни инкор этади. Демак, фақатгина айби бўлган субъект жавобгарликка тортилиши мумкин.

Лекин, айб тушунчасини юридик шахсга нисбатан қўллаганда унинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олиш лозим. Юридик шахснинг содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки унинг оқибатларига нисбатан қандай муносабатда бўлганлигини аниқлаш масаласи жуда мунозарали.²

Илмий адабиётларда юридик шахсларнинг айби масаласига уч хилдаги ёндашувни кўриш мумкин:

биринчидан, юридик шахснинг айбини белгилашда унинг қонун талабларига риоя этиш бўйича барча ўзига боғлиқ чораларни кўрган ёки кўрмаганлигини ҳамда бу учун юридик шахсда имконият мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш лозим бўлади;

иккинчидан, юридик шахснинг айби масаласига юридик шахс мансабдор шахсининг айби орқали ёндашув, яъни айб мансабдор шахснинг юридик шахс манфаатларини кўзлаб хизмат мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилишида намоён бўлиши. Бунда суд қабул қилган қарор мунозараларга олиб келиши мумкин. Судда юридик шахс мансабдор шахсининг ваколат доирасидаги хатти-ҳаракатидан ҳуқуқбузарлик келиб чиққанлиги исботланган бўлиши лозим;

учинчидан, айбни ҳисобга олмаган (айб мавжуд бўлмаган) ҳолда объектив нуқтаи назардан юридик шахсни жавобгарликка тортиш. Бу ҳолат юридик жавобгарлик назариясига ҳам, амалдаги қонунчилик талабларига ҳам зид, шу сабабли амалда татбиқ этилмаслиги керак.

Демак, юқоридагиларга асосланадиган бўлсак:

биринчидан, юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласи бўйича турли қарашлар мавжуд бўлиб, унинг муаммолиги, жавобгарлик хусусиятларининг тўла очиб берилмаганлиги, ноаниқликларнинг мавжудлиги, назария ва амалиётда мавжуд тафовутлар, терминологияни қўллашдаги камчиликлар ҳамда бошқа ҳолатлар илмий изланишлар олиб боришнинг долзарблигини белгилаб берган;

иккинчидан, юридик шахслар жавобгарлигининг асосини ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарлик содир этилганида унинг умумий белгилари билан бир вақтда ҳуқуқбузарликнинг таркибий элементлари (объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони)ни аниқлаш лозим;

учинчидан, юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида сўз юритганда, *жавобгарлик субъекти* тушунчасини аниқлаштириш лозим бўлади;

тўртинчидан, айбни аниқлашда қонун талабларига риоя этиш бўйича юридик шахснинг ўзига боғлиқ барча чораларни кўрган ёки кўрмаганлиги ҳамда бунинг учун унда имконият мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигига эътибор қаратиш лозим.

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи XX асрнинг 30-йилларида Миллатлар лигаси томонидан ўтказилган “Халқаро ҳуқуқни кодификациялаш” бўйича конференцияда давлат ҳудудидаги хорижий шахсга етказилган зарарни ундириш бўйича давлатнинг (унинг номидан фаолият олиб бораётган ҳар қандай тузилманинг) жавобгарлигини жорий этиш бўйича Германия ҳукуматининг таклифи талқинида юзага келди.³ Лекин, мазкур уринишлар ҳеч қандай аниқ натижаларга олиб келмаган.

1982 йилда қабул қилинган БМТнинг “Денгиз ҳуқуқи” бўйича Конвенцияси асосида давлат (унинг тузилмалари)нинг денгиз тубини ўрганиш (тасарруф этиш, фойдаланиш) тартиботини бузганлик бўйича иштирокчи давлатлар томонидан тузилган Денгиз туби бўйича орган томонидан назорат қилиниши ва жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласи Европа кенгаши дорасида қабул қилинган 1998 йил 4 ноябрдаги “Жиноят қонунчилиги воситасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенцияда, 1999 йил 27 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияда, 1999 йил 9 декабрдаги “Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги Халқаро Конвенцияда ва бошқа халқаро ҳужжатларда иштирокчи давлатларнинг жавобгарлиги масаласи ҳам белгиланди. Масалан, 2003 йил 31 октябрдаги коррупцияга қарши БМТ Конвенциясида иштирокчи давлатлар томонидан мазкур Конвенция асосида жиноят деб тан олинадиган хатти-ҳаракатлар учун тегишли чоралар кўриши лозимлиги, юридик шахсларнинг жавобгарлиги жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий жавобгарлик кўринишида бўлиши белгиланган.⁴

Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик субъекти сифатида юридик шахс деганда айнан иштирокчи давлат (ёки унинг номидан ёхуд унинг кўрсатмаларига кўра ҳаракат қилаётган тузилма) назарда тутилган.

Юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласига янада ойдинлик киритиш мақсадида ривожланган давлатларда мавжуд тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий давлатларда ҳозирги кунда мазкур соҳа юзасидан учта модел доирасида сўз юритиш мумкин:⁵

1) биринчи моделга биноан юридик шахслар фуқаролар сингари жавобгарликнинг субъекти сифатида тан олинади. Бундай модел англо-саксон ҳуқуқ тизими (Англия, Шотландия, АҚШ, Канада) ва романа-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи айрим давлатлар (Австрия, Бельгия, Люксемберг)га хос;

2) иккинчи моделга биноан юридик шахсларнинг жавобгарлиги жисмоний шахснинг ягона ва мумкин бўлган субъект сифатида тан олиншига асосланади, яъни бу билан юридик шахснинг жавобгарлик субъекти сифатида намоён бўлиши инкор этилади. (Масалан, Албания, Испания, Мексика, Швейцария);

3) учинчи моделга биноан юридик шахснинг жиноят содир этишдаги иштироки учун маъмурий таъсир чоралари қўлланилади. (Масалан, Германия, Италия, Швеция.)

Аниқ хорижий давлат мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, масалан, Францияда юридик шахсларнинг жавобгарлиги 1994 йил 1 мартдан кучга кирган Франция Жиноят кодекси асосида амалга киритилган.

Юридик шахслар жавобгарлигининг ўрнатилиши кўпгина олимлар ўртасида турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Баъзи олимларнинг фикрича юридик шахслар жавобгарлигининг қуйидаги асосларга кўра, турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан:

— юридик шахслар шунчаки кўриниш эмас, балки ижтимоий ҳақиқат эканлиги;

— мамлакат иқтисодининг ривожланишида юридик шахснинг тутган ўрнини инкор этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;

— фуқаролик муомаласининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида жисмоний ва юридик шахслар тан олинар экан, уларнинг бирини, яъни жавобгарлигини инкор этилиши адолатли бўлмаслиги.

Иккинчи гуруҳ олимлар эса, юридик шахсларнинг жавобгарликка тортилишига қарши чиқишади ва бунга сабаб сифатида қуйидагиларни кўрсатишади:

— юридик шахсларнинг жавобгарлиги айбсизлик презумпцияси ва шахсий жавобгарлик принципларига мос келмайди, чунки юридик шахс онг ва иродага эга эмас;

— юридик шахсларга нисбатан ҳар қандай жазо чорасини (масалан, жиноят қонунчилигида асосий ва муҳим жазолардан бири озодликдан маҳрум қилишни) қўллаб бўлмайди.

Юридик шахс жамиятдаги шунчаки кўриниш

ёки ижтимоий ҳақиқат эканлиги масаласига 2008 йилдаги иқтисодий инқироз туфайли янада ойдинлик киритилди. Ушбу жараёнда юридик шахсларнинг ўзларининг шахсий манфаатлари ва жавобгарликлари асосида ҳаракат қилганлиги, жисмоний шахсларнинг эса, ўз мавқеларини йўқотганлиги ва корпорация қоидалари таъсири остига тушиб қолганлиги орқали намоён бўлди. Бу ҳолат юридик шахслар жавобгарлигининг амалда мустаҳкамланишида ўз таъсирини кўрсатди.

Франция Жиноят кодексининг 121-2-бандига биноан юридик шахс жавобгарлик субъекти ҳисобланади. Лекин, айрим ўзига хос хусусиятлар мавжуд:

1) юридик шахслар тижорат ёки тижоратчи бўлмаган ташкилот бўлишидан қатъи назар, жавобгарликка тортилади;

2) ушбу қоидалар давлат сингари юридик шахсга нисбатан татбиқ этилмайди. Чунки, биринчидан, давлатдан давлат бюджети ҳисобига жарима ундириб бўлмайди; иккинчидан, давлат нуфузининг пасайишига олиб келиши мумкин;

3) маҳаллий тузилмалар ва уларнинг бирлашмалари фақатгина хусусий шахсларга ўтказилган ваколатлар ижро этилишидан келиб чиқадиган қилмиш учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Хусусий шахсга ўтказилиши мумкин бўлган ваколатларга, хусусан, Франция Кассация суди қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

— маҳаллий тузилмаларнинг ваколатлари фақатгина қонунда тақиқланмаган ҳолларда бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин;

— ўтказилган ваколатларга ҳақ тўлаш уларни ижро этиш натижасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юридик шахснинг жавобгарлиги жисмоний шахснинг жавобгарликдан озод этмайди. Жавобгарлик масаласи суд томонидан кўриб чиқиладиган вақтда бу ҳолатга ҳам эътибор қаратилади.

Юридик шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини аниқлашда икки ҳолатга эътибор қаратилган:

1) қилмиш юридик шахснинг тузилмаси ёки вакиллари томонидан содир этилганлиги;

2) қилмиш юридик шахс манфаатини кўзлаб амалга оширилган бўлиши.

Франция Жиноят кодексига биноан жавобгарликка тортиш вақтида айбнинг шакли қасддан бўлиши лозим (айбнинг бошқа шакллари эса алоҳида тартибда кўриб чиқилади).⁶

2000 йил 10 июлда Франция Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларга биноан жисмоний шахслар айб (эҳтиётсизлик ёки қандайдир мажбуриятни бажармаганлик) мажбуриятида бевосита зарар етказилганлик учун жавобгарликка тортилса, юридик шахслар бевосита ва билвосита зарар етказилганлик учун жавобгарликка

тортилади.

Юридик шахс жисмоний шахс сингари ҳаракат қила олмайди, яъни унинг инсонга хос бўлган ҳаракатланиш воситалари (қўл, оёқ) мавжуд эмас. Шу сабабли содир этилган қилмишда юридик шахсни бошқарувчи ёки бошқарувчилари ҳаракатини ҳисобга олиш керак.

Судда юридик шахс жавобгарлиги кўриб чиқиладиган вақтда содир этилган қилмишда юридик шахс тузилмаси ёки вакилининг айби, унда аниқ бир жисмоний шахснинг хатти-ҳаракати намоён бўлмаса ҳам, исботланиши лозим.

Юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилашда айрим бир муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, юридик шахслар мураккаб таркибий тузилмага эга бўлганда уларда қарорларни қабул қилиш жараёнида ноаниқликлар, бўшлиқлар юзга келади, унда иштирок этувчи ҳар бир шахснинг жавобгарлигини аниқлаш мушкул бўлади.

Корпоратив бошқарувда қарор қабул қилиш одатда коллегиял тартибда бўлади. Ушбу қарорни қабул қилишда ҳар бир шахснинг иштирокини аниқлаб бўлмайди.

Франция Жиноят кодексида юридик шахсларга нисбатан қуйидаги жавобгарлик чоралари белгиланган:

1) жарима, кенг тарқалган жазо чораси, 1 млн. евро миқдоригача бўлиши мумкин;

2) юридик шахсни тугатиш;

3) 5 йил муддатга ёки умуман қандайдир фаолият турини амалга оширишни тақиқлаш;

4) 5 йил муддатга юридик шахс фаолияти ус-тидан суд назоратини ўрнатиш;

5) 5 йил муддатга ёки умуман қилмишни со-дир этган юридик шахс тузилмасини тугатиш;

6) 5 йил муддатга ёки умуман давлат шартно-маларида иштирок этишни тақиқлаш;

7) 5 йил муддатга ёки умуман қимматли қоғоз-лар бозорига маблағ ёки қимматли қоғозларни киритишни тақиқлаш;

8) 5 йил муддатга тўлов ҳужжати сифатида чеклар чиқаришни тақиқлаш;

9) мол-мулкни мусодара қилиш ва бошқалар.

Мисол тариқасида кўриш мумкинки, Францияда ходимнинг иш вақти жараёнида шикастланганлиги учун иккита юридик шахс эҳтиётсизлик орқасида жавобгарликка тортилган. Ходим ўзига юклатилган объектда таъмирлаш ишларини олиб бораётган вақтда тепадан йиқилиб кетиши натижасида соғлиғига жиддий зарар етади. Суд мазкур ишни кўриб чиқиш жараёнида таъмирлаш ишлари олиб бориладиган юридик шахс эҳтиётсизлик чораларини кўрмаганлиги учун, иккинчи юридик шахс эса сифатсиз маҳсулот етказиб берганлиги (ходимнинг йиқилиб кетишига асосий сабаб нарвондаги темир қурилмаларининг талабга жавоб бермаганлиги) учун жавобгарликка тортилган.

Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар

жавобгарлигини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) юридик шахслар жавобгарлигининг асосларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари;

2) юридик шахслар жавобгарлигининг процесуал тартибини белгилаб берган — Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси⁷га биноан юридик шахс — ўз мулкида, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулки ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Юридик шахс икки кўринишда намоён бўлади:

1) фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган — тижоратчи ташкилот. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

2) асосий фаолиятининг мақсади фойда олиш ҳисобланмаган тижоратчи бўлмаган ташкилот. Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди.

Ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни химоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Давлат корхонаси ва мулкдор томонидан молиявий таъминланадиган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича қонунда назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб берадилар.

Жумладан, Фуқаролик кодексининг 72-73-мод-

даларига кўра, давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлиши ёки матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган қўшимча бадалнинг тўланмаган қисми доирасида субсидиар жавобгар бўлиши белгиланган.

Юридик шахснинг муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкининг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан кучга киритилган Солиқ кодекси⁸га биноан солиқ тўловчилар ушбу кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари солиқ тўловчи ҳисобланиб, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилади.

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги:

- давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш;
- кирим қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш);
- солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш;
- фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш;
- ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш;
- фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартибини бузиш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш;
- ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланишга қаратилган хатти-ҳаракатлардан келиб чиқади.

Молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади.

Солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, молиявий санкциялар ҳар бир ҳуқуқбузарликка нисбатан алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Юридик шахснинг хатти-ҳаракатида солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик факти ёки айб бўлмаса, жавобгарлик юзага келмайди.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида содир этилган бўлса, шу-

нингдек, ваколатли орган (мансабдор шахс)ларининг солиққа оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича ёзма тушунтиришлари бажарилгани солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги юридик шахснинг айбини истисно этади.

Солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддатлари тугагани ҳам, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун юридик шахснинг жавобгарлигини истисно қилади.

Юридик шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор ҳисобланмайди.

Жавобгарликка тортилаётган юридик шахс ўзининг айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас.

Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятдан озод этмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 мартдан кучга кирган Божхона кодекси¹⁰га биноан юридик шахсларга нисбатан божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар (иқтисодий жазо чоралари) ва бошқа жазолар қўлланилади.

Унга кўра, юридик шахсларнинг жавобгарлиги:

- товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали божхона назоратини четлаб олиб ўтиш;
- Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни божхона назоратидан яшириш;
- ҳужжатлардан ёки қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш;
- товарларни декларацияламаслик ёки уларни нотўғри декларациялаш;
- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона қоидаларини бузган ҳолда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини ташиш, сақлаш, сотиб олиш, улардан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш;
- божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш тартибини бузиш;
- божхона тўловларидан ғайриқонуний озод қилишга ёки уларни камайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар;
- тўланган божхона тўловларини қайтариб олиш, тўловлар ва бошқа ҳақларни олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ёхуд етарли асосларсиз уларни қайтармаслик;
- божхона тўловларини тўлаш муддатларини бузишга қаратилган хатти-ҳаракатлардан келиб чиқади.

Юридик шахсларни жавобгарликка тортиш

уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини жавобгарликдан озод этмайди.

Юридик шахснинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини контрабанда учун ҳамда божхона иши соҳасида бошқа жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш юридик шахсни божхонага оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликдан озод этмайди.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима ҳамда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини содир этиш қуроли ёки бевосита ашёси ҳисобланган товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш жазоси қўлланилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Солиқ кодекси ҳамда Божхона кодекси юридик шахсларнинг қандай хатти-ҳаракатлари тегишлича солиққа оид ҳуқуқбузарлик ёки божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши эканлигини, бундай хатти-ҳаракатлар учун суд томонидан молиявий санкциялар ёки иқтисодий жазо чоралари қўлланилишини мустаҳкамлаган. Лекин, суд мазкур ишларни кўриб чиқишда қандай процессуал ҳаракатларга амал қилишини белгилаб бермаган.

Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг жавобгарлиги қонунлардан ташқари, қонун-ости ҳужжатларида ҳам белгиланган. Жумладан, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асосиз чекланишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда **“Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-3619-сонли Фармони¹⁰ қабул қилинди.

Мазкур Фармонда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши белгилаб берилди:

- 1) фаолиятни тугатиш;
- 2) фаолиятни тўхтатиб қўйиш;
- 3) банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;
- 4) молиявий санкцияларни қўллаш;
- 5) ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;
- 6) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш.

Фармон орқали 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан

ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилиши тартиби жорий этилди.

Амалдаги ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, суд юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ, божхона ва бошқа ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган маъмурий процессуал қоидаларга таянади.

Эслатма сифатида. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”-ги Қонуни¹¹ билан қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахслар жавобгарликка тортилиши, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ва жарима солиниши белгиланган эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни¹²га биноан эса, қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари (қимматли қоғозлар эмитентлари, қимматли қоғозларнинг эгалари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биржалар)га нисбатан иқтисодий санкциялар (жарималар) белгиланган эди.

Юридик шахсларнинг мазкур қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуни¹³га биноан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс¹⁴ мазмунидан келиб чиққан ҳолда, юридик шахсларнинг ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ва жавобгарлик қўллашни процессуал тартибининг асосий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ҳуқуқбузарлик учун норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади. Жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади;

2) суд жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, қонун санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан

хам камроқ жазо чорасини қўллаши мумкин;

3) битта шахс икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади;

4) жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса ва унда ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин;

5) жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс жазога тортилмаган деб ҳисобланади;

6) ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт;

7) ҳуқуқбузарликка оид ишлар суд томонидан кўриб чиқилади;

8) ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида ашёлар кўздан кечирилиши ва ашё ҳамда ҳужжатлар олиб кўйилиши мумкин;

9) жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақли ва ҳ.к.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, юридик шахснинг жавобгарлиги юзасидан қуйидаги ҳулосаларни келтириш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар жавобгарлик субъекти сифатида номоён бўлади;

иккинчидан, юридик шахсларнинг жавобгарлиги турли қонун ҳужжатларида белгиланган асослардан келиб чиқади;

учинчидан, солиқ, божхона ва бошқа соҳалардаги ислохотлар натижасида амалиётда учраб турган битта ҳуқуқбузарлик учун бир неча жавобгарликнинг юзага келишига барҳам берилди;

тўртинчидан, юридик шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий процессуал тартибда кўриб чиқилади;

бешинчидан, юридик шахсларнинг жавобгарлиги уларга нисбатан қўлланиладиган молиявий санкциялар, иқтисодий жазо чоралари ҳамда бошқа ҳуқуқий таъсир чораларида номоён бўлади.

Ҳозирги кунда амалиётда мавжуд асосий муаммолардан бири — бу юридик шахсларнинг айбдорлик масаласини аниқлаш ҳисобланади. Унинг ечимини илмий-назарий қарашларга асосланиб топиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг йўналишларидан бири ҳисобланган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда юридик шахслар жавобгарлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Турли қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган қоидаларни ягона қонун ҳужжати доирасида тизимлаштириш керак. Бу нафақат қонунчиликдаги аниқликни, амалда қўллашдаги енгилликни белгилайди, балки у орқали ҳуқуқий тартибот таъминланади.

¹ Хачатуров Р.Л., Липинский Д.А. Общая теория юридической ответственности: Монография. — СПб.Издательство Р. Асплена «Юридический центр Пресс», 2007. С. 173-197.

² Назаренко Г.В., Абашина Л.А.Юридическое лицо как субъект уголовной ответственности: опыт зарубежных государств и перспективы российского законодательства. Монография. Орел:ИздательствоОРАГС, 2009. — 132 с.

³ League of Nations. Conference for the Codification of International Law. Bases of Kiscussion for the Conference drawn up bythe Preparatory Committee. III. Responsibility of States for Kamage Caused in their Territory to the Person on Property ofForeigners // Кос. С 75. М. 69. 1929. V. P. 90—92.

⁴ Абашидзе А.Х. Современное международное право об ответственности юридических лиц за правонарушения. // Современное право, №8, 2013, С.110-115

⁵ Есаков Г.А., Крылова Н.Е., Серебренникова А.В. Уголовное право зарубежных стран: учебное пособие. — Москва: Проспект, 2013. -336 с

⁶ Нагорная И.И. Уголовная ответственность юридических лиц во Франции // Уголовное право и современность: Сборник статей. Вып.4 Т.2 2012. С. 156-164

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52 (I)-сон

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 167-модда

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 21-модда

¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда

¹³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 14 октябрь, 41-сон, 543-модда

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон



Зулхумор ХОЛМАНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси,
филология фанлари доктори, профессор

МИЛЛИЙ ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

- ◆ Мақола ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишининг ҳуқуқий асослари ҳамда тил тўғрисидаги қоидаларга амал қилиш масалаларига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена правовым основам придания узбекскому языку статуса государственного и вопросу соблюдения правил о языке.
- ◆ The article is devoted to the legal basis of granting Uzbek language the status of a state language and observance of the rules on language.

Таянч сўзлар: Конституция, давлат тили, ўзбек тили, имло хатолар.

Ключевые слова: Конституция, государственный язык, узбекский язык, орфографический ошибки.

Key words: Constitution, official language, uzbek language, orthographic mistakes.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллатимиз ҳаётидаги буюк воқеа бўлди. «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ўзбек тилининг мавқеини юксалтиришга томон қўйилган дастлабки қадам ҳисобланади. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», деб қайд этилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби тилшуносликда ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Тилга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлат тили мавқеини юксалтиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тили сифатида амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан расман асосланган бўлиб, унга кўра: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди».

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 7-моддасидаги «Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди», 8-моддасидаги «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади», 24-моддасидаги «Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай, хусумат билан қараш тақиқланади» деган қоидалар Конституция бандларидаги инсон ва фуқароларнинг асосий

ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларининг ҳуқуқий негизлари асосида мустаҳкамланган.

Ўзбек тилининг қонуний жиҳатдан асосланиши миллий тил тараққиётининг муҳим омилларини белгилаб берди. Ўзбек тилининг мавқеи юксалди. Тилга муносабат, тилга эътибор, тилга ҳурмат туйғулари янада турғунлашди. Ўзбекистон фуқаролари онгида «давлат тили», унга амал қилиш талаблари ҳақидаги эътироф шаклланди. Давлат тилига муносабат, унга амал қилиш ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган, ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди. Даставвал, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун моддалари ҳаётга татбиқ қилинди. Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит яратилди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритув давлат тилида амалга оширила бошланди. Шунингдек, Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро анжуманлар давлат тилида олиб борилмоқда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари, судлов ишларини юритиш, нотариал ҳаракатлар, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи, шахсни ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар, аризалар, таклифлар, шикоятларнинг давлат тилида расмийлаштирилиши таъминланди. Телевидение ва радио эшиттиришлари, ноширлик фаолияти, почта-телеграф жўнатмалари, муҳрлар, тамғалар, иш қоғозларининг матнлари, лавҳалар, эълонлар, нархномалар, маҳсулот ёрликлари, Республиканинг маъмурий-ҳудудий

бирликлари, майдонлари, кўчалар ва географик объектларнинг номлари, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси матнлари давлат тилида расмийлаштирила бошланди.

Ўзбек тилининг ижтимоий функцияси кенгайди. Бу тилнинг алоқа-муносабат, ҳиссий таъсир тўплаш вазифалари билан бир қаторда, тафаккурни ривожлантирувчи, аниқ фан доирасидаги, ишлаб чиқариш тармоқларидаги янгиликларни ифода этиш хусусияти такомиллашди.

Мумтоз асарлар тили кенг миқёсда тадқиқ қилина бошланди. Ўзбек тили тарихига доир муҳим изланишлар олиб борилди. Янги соҳалар ривожига эътибор қаратилди. Ўзбек тилининг мавқеини оширишга, уни такомиллаштиришга хизмат қиладиган тадқиқотлар юзага келди. Тилшуносликнинг янги йўналишларида тадқиқотлар яратилди. Тилнинг ижтимоий қийматини, тил ва жамият муносабатини ёритувчи социолингвистика, нутқ жараёнининг психик табиати, нутқнинг реллашувига қадар бўладиган жараён ҳақида баҳс юритувчи психолингвистика, тилнинг маданий қиймати, тилда халқ дунёқараши, маданияти, урф-одати, анъаналари ифодасини таҳлил қилувчи лингвокультурология, тилнинг глобаллашув жараёнига мос ҳолда такомиллашувига хизмат қиладиган компьютер лингвистикаси соҳаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борилди. Тез суръатларда ривожланиб бораётган жамиятга хизмат қилувчи тезкор ахборот услубини шакллантириш, ўзбек тилидаги таржима, автоматик таҳрир дастурларини яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбек тилининг мустақил ва мунтазам тараққиёт йўлидан бориши ўзбек тилига “давлат тили” мақоми берилиши ва ҳуқуқий асосларининг Конституцияда белгилаб қўйилиши билан боғлиқ. Айни вақтда, мустақиллик давригача ўзбек тилининг грамматик тизимига оид тадқиқотларга ҳам бир қадар алоқадор. Бугунги кунда ўзбек тилининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари, том маънода, янгича илмий қарашлар негизида тадқиқ этилмоқда.

Маҳмуд Кошғарий фахрланиб, тараққий этиб бораётганлигини таъкидлаган, Юсуф Хос Ҳожиб эътибор қилишга даъват қилган, Алишер Навоий лингвистик хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан исботлаган ўзбек тилининг кенг имкониятларга эга эканлиги фундаментал тадқиқотларда намоён бўлмоқда. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарслиги янгича муносабат асосида қайта яратилди. Монографик тадқиқотларда ўзбек тилининг кенг имкониятларга эга эканлиги муайян соҳа ёки сатҳ тадқиқи асосида ёритилди. Ўзбек тили фонетикаси, семасиологиясига доир тадқиқотлар юзага келди. Ўзбек тили фонетикаси чуқур, атрофлича, янгича талқинда ўрганилди. Аждодларимиз томонидан ноёб дурга қиёсланган

сўзнинг қадр-қиммати, таркиби, ички олами кенг таҳлил қилиб берилган семасиология соҳаси такомиллаштирилди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, мулоқотнинг асосий бирлиги ҳисобланган сўз талқинига бағишланган миллий тил семасиологияси борасидаги тадқиқот фақат немисларда мавжуд. Ва бугунги кунда ўзбек тилшунослигида семасиологиянинг умумий масалаларига эмас, айнан миллий тил сўзлари талқинига бағишланган монографик тадқиқот яратилган.

Луғатшуносликда жиддий ютуқларга эришилди. Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғати тузилди. Имло луғати қайтадан, тўлдирилган ҳолда нашр этилди.

Ўзбек тилининг давлат тили мақоми даражасидаги мавқеини такомиллаштириш борасида бир қатор ютуқларга эришилди. Шунинг баробарида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп эканлиги маълум бўлиб қолди. Адабий тил меъёрларига амал қилмаслик, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун бандларининг кенг миқёсда жорий этилмаётганлиги кишини мулоҳазага чорлайди.

Бугунги кунда айрим ижтимоий жабҳаларда ўзбек адабий тили меъёрларининг бузилиши, имловий хатолар, услубий нуқсонлар кузатилмоқда. Айниқса, ташқи ёзувлар ва реклама матнларидаги камчиликлар кўзга тез-тез ташланиб қолмоқда.

Авалло, *ташқи ёзув* бирикмаси ҳақида. Ташқи ёзув, кўп ҳолларда “пешлавҳалардаги ёзувлар” маъносида қўлланиб келмоқда. Ушбу мақолада *ташқи ёзувлар* деганда, пешлавҳалар билан бир қаторда маҳсулотлар қопламидаги ёзувлар, маълумот бериш, номлаш характерида эга бўлган сарлавҳаларни ҳам назарда тутдик.

Глобаллашув жараёни барча соҳалар каби тилда ҳам ўз аксини топмоқда. Тил алоқа-муносабат, ҳиссий таъсир, тўплаш вазифаларидан ташқари маълумот узатиш, хабар бериш, фикрни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Тилнинг функционал доираси янада кенгаймоқда. Ўзбекистоннинг жадал суръатлар билан ривожланаётган иқтисоди тил орқали ўз тараққиётини намоён қилмоқда.

Ҳар қандай воқелик ўзига хос номни талаб этади, ҳар қандай маҳсулот реклама орқали тарғибот қилинади. Мана шундай вазиятда ташқи ёзувлар ва реклама матнлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин тутди. Ташқи ёзувлар ва рекламалар тилнинг функционал имкониятлари натижаси ўлароқ юзага келди. Ташқи ёзув ва реклама матнлари кенг халқ оmmasига кучли таъсир кўрсатувчи восита ҳисобланади. Бу матнлар кишиларнинг кўриш сезгиси орқали онги, шурига сингиб боради. Шу боис ушбу матнлар таҳририга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 7-модда-

сида “Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади” дейилган. Бугунги кунда ушбу модданинг ташқи ёзувлар ва рекламалар матнида амал қилиш ҳолатини талаб даражасида деб бўлмайди.

Ташқи ёзувларнинг мақсадга мувофиқ кўри-нишлари, реклама матнларининг талаб даражасидаги турлари кўп. Бу матнлар маълумот бериш, тарғибот, ташвиқот билан бир қаторда ўзбек тилининг имкониятларини ҳам ёритишга хизмат қилмоқда. Бундай матнлар билан бир қаторда, ўзбек тили меъёрларига мос келмайдиган ўринлар ҳам кузатишмоқдаки, бу ҳолат қўлга киритилмаётган ютуқларга соя солиб турибди.

Ташқи ёзув ва реклама матнларида кузатилаётган нуқсонларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

1. Техник хатолар — пешлавҳаларда, объект номларида учрайди: *Улгужи савдо* (р тушиб қолган), *“Гўзалик салони”* (битта л ёзилмаган), *“Заргарлик буюмлари ва устахонаси”* (ва ортиқча ёки ва боғловчисидан кейин мўайян сўз тушиб қолган).

2. Имло хатолари (орфографик хатолар) — ташқи ёзув ва реклама матнларида кўп кузатиладиган нуқсонлардан бири. Орфографик хатоларнинг аксарияти **х** ва **ҳ** имлоси билан боғлиқ: *махсус* (махсус), *хурматли* (хурматли), *махсулот* (махсулот), *хар кун* (хар кун). Бундай хатолар номларда ҳам кузатилади: *“Хур омад”, “Гавхар”*.

ў, ғ ҳарфларининг лотин ёзувидаги ифодасида тутук белгисини ноўрин қўллаш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бир қатор сўзларда тутук белгисини нотўғри қўллаш (*маъсул*) ёки қўлламаслик ҳолатлари (*тамирлаш*) кузатилади.

Жуфт сўзларнинг ёзилиши билан боғлиқ хатолар ҳам кўп: *Озиқ Овқат*, *дуру гавхар* (озиқ-овқат, дур-у гавхар).

3. Услубий хатолар. Услубий хатоларнинг аксарияти паронимларни қўллаш билан боғлиқ: *хуш* (хуш) келибсиз, *йўл ҳаққи* (ҳақи) .¹

Бу хатолар биринчидан, миллий қадриятларимизнинг юзи ҳисобланмиш тил меъёрларини бузиш, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун талабларига амал қилмаслик ҳисобланади. Иккинчидан, бундай хатоларга йўл қўйиш ёшлар саводхонлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Ёшлар эшитганига эмас, кўпроқ кўрганига ишонади. Бу ҳолат турли сўзлар имлоси ҳақидаги нотўғри тасавурларга олиб келади. Шуниси ҳам борки, ташқи ёзув ва рекламалар матнидаги хатолар мазмунан бой, имкониятлари кенг ўзбек тилини тўмтоқ, жўн шаклга солиб қўйиш ҳисобланади

“Давлат тили ҳақида”ги Қонун имло қоидалари ва адабий тил меъёрларига амал қилишни талаб этади. Бу қоидага амал қилинмаган ҳолатларда маълум чора-тадбирлар кўриш зарур. Жумладан:

1. Кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш лозим бўлганидек, кадрлар тайёрлаш жараёнини ҳам узлуксиз тизимда олиб бориш керак бўлади. Яъни дунёқараш, фикрлаш қобилияти шаклланиб бўлган талабани қисқа даврда ҳар томонлама етук, билимли, тафаккур даражаси кенг, баркамол кадр сифатида такомиллаштириш анча мушкул. Шу сабаб, рисоладагидек мутахассис-кадрлар тайёрлашни мактаб ўқувчисини ҳар томонлама мақсадга мувофиқ тарбиялашдан бошлаш керак. Бунинг учун ёшларнинг таълим олиши, билим даражасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ёшларга техник воситаларнинг аҳамияти, ахборот етказишдаги ўрнини таъкидлаш шарт эмас. Негаки, бугуннинг зийрак, зукко фарзанди воқелиқдан ўзи хулоса чиқариб олмақда. Жараён шундай тарзда кечмоқдаки, натижада меъёрийлик бузилмоқда. Ёшлар ёппасига техник воситаларга берилиб кетдилар. Ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш, китоб ўқишга эҳтиёж сезмай қўйдилар. Бугунги таълим жараёнида ёшларга китоб ўқиш, бадиий асарларни мутолаа қилиш, ёзма нутқ кўникмаларини эгаллаш фикр ўстиришнинг асосий воситаларидан эканлигини, тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилишини, буларсиз ҳар томонлама етук мутахассис бўлиш мумкин эмаслигини ҳам ўқитиш лозим бўлади. Бу борада фақат насихат билан иш битмайди. Ёзма нутқни шакллантиришга қаратилган топшириқлар, илмий ва бадиий адабиётни мутолаа қилишга йўналтирилган тадбирларни бевосита таълим жараёнида қўллаш лозим. Аждодларимиз таълим-тарбия бериш жараёнида бошқалар ҳаётини, фаолиятини ибрат қилиб кўрсатиш усулини қўллашган. Ёшлар турли мазмундаги китоб, бадиий асар, газета, журналларни мутолаа қилиш жараёнида кўп хулосаларни ўзлари чиқариб оладилар. Бу эса малакали кадрлар тайёрлашдаги таълим жараёни мақсадига эришишни янада осонлаштиради.

Ёзма нутқни шакллантириш, оғзаки нутқни такомиллаштириш фақат соҳа доирасидаги мумammo эмас, балки умумтаълим жараёнидаги заруратдир. Негаки, ёзма ва оғзаки нутқнинг меъёрий даражада шаклланиши фикрлаш, англаш тезлигини оширишга, ўқувчи тафаккур дунёсини кенгайтиришга ёрдам беради. Адабий тил меъёрлари, имло қоидаларини ўзлаштирган мутахассис кадрлар томонидан яратиладиган барча матнлар, жумладан, ташқи ёзув ва рекламалар матни ҳам талаб даражасида бўлиши шубҳасиз. Шундагина тилга эътибор, тил равнақига хизмат қилиш умумманфаат даражасига кўтарилади. Тилга эътибор ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муҳим қисмига айланади.

2. Ташқи ёзув ва рекламалар матни кенг халқ оmmasига кучли таъсир кўрсатади. Шу боис бу

матнлар мутахассис назоратидан ўтказилиши шарт.

3. Хорижий тилдаги реклама матнларини ўзбек тилига ўгирганда сўзма-сўз таржимага эмас, асосан, мазмунга эътибор қаратиш лозим.

4. “Давлат тили ҳақида”ги Қонун имло қоидалари ва адабий тил меъёрларига риоя қилишни талаб этади. Бу қоидаларга амал қилинмаган ҳолларда маълум чора-тадбирлар кўриш зарур. Устида хато ёзувлар билан чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмоли юзасидан назорат ўрнатиш лозим. Шундагина корхона масъуллари маҳсулот ҳақида маълумот берувчи ёзувлар имлосига, услубига масъулият билан ёндашишади.

5. Маҳсулотлардаги ёзувлар, жойлардаги таъништирув матнлари маълумот бериш ва маҳсулот тарғиботи учунгина эмас, балки миллий тил имкониятларини акс эттириш воситаси сифатида ҳам хизмат қилмоғи керак.

Ҳозирги ўзбек тилининг ўз тарихи бор, тилимиз ўз тараққиёт босқичига эга. Она тилимиз асрлар бўйи сайқал топди, ривожланди, миллий тил, кейинчалик, давлат тили даражасига кўтарилди. Ўзбек тили ривожда ўзбек халқининг, зиёлларининг, буюк мутафаккирларининг ўз ўрни бор. Юсуф Хос Ҳожиб араб тили илмий тил, форс-тожик тили расмий тил ҳисобланган, туркий тил эса эътиборсиз қолган бир даврда туркий тилдаги илк бадий дoston — “Қутадғу билиг”-ни яратди. Маҳмуд Кошғарий туркий тилни “араб тили билан икки улоқчи отдай тенглашиб, ундан ўзиб бораётган” тил сифатида фахр билан эъти-

роф этди. Алишер Навоий туркий тил имкониятларини ҳам назарий жиҳатдан асослади — муҳим илмий қийматга эга бўлган “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини яратди; ҳам амалий жиҳатдан исботлади — асарларининг тўқсон фоизини шу тилда битди. XX аср бошларида Фитрат туркий тилни “дунёдаги энг бой тил” деб таърифлади, бу билан унинг кенг имкониятларини эътироф этди; “дунёдаги энг камбағал тил” дея куюнди — унинг эътиборсиз қолганига ачинди. Абдулла Авлони “Ҳифзи лисон деб ҳар миллатнинг ўз она тилини асрамоғини айтилур”, дея биринчилардан бўлиб “тил муҳофазаси” масаласини кўтариб чикди. Шундай экан, ўзбек миллатига мансуб ҳар бир шахс, аввало, мутахассислар, зиёллар, айниқса, ёзувчилар ўзбек тилига, мустақил республиканинг давлат тилига алоҳида эътибор билан ёндашишлари зарур ва шарт.

Ўзбек тилининг ҳозирги ҳолати, келгуси тақдири учун барчамиз масъулмиз. Бу масъуллик аждодлар олдидаги қарзимиз, авлодлар олдидаги бурчимизни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида миллий тилнинг давлат тили сифатида эътироф этилиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, тилшунослик тараққиётининг муҳим асосларини, тилнинг ривожланиш ва юксак мавқега эришиш омилини таъминлади. Бу эса ўзбек тилини замон талаблари асосида такомиллаштиришга, тил функционал доирасининг кенгайишига мустаҳкам замин сифатида хизмат қилади.



¹ Ушбу маълумотлар Тошкент шаҳри бўйлаб ўтказилган рейд жараёнидаги тасвирлар асосида келтирилди.

Зухра РЕЙМОВА,
Соискатель Каракалпакского государственного
университета им.Бердаха. к.ю.н.

НОВЫЙ ЭТАП В РАЗВИТИИ ИЗБИРАТЕЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА КАК УСИЛЕНИЕ ПРАВОВЫХ ГАРАНТИЙ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ВЫБОРОВ

- ◆ Мақолада мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик базасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилган.
- ◆ В статье проанализированы работы, осуществленные в целях развития законодательной базы, направленной на совершенствование системы выборов в стране.
- ◆ The article contains analysis of the work performed to improve election system in Uzbekistan.

Таянч сўзлар: сайлов тизими, Конституция, қонун, депутат, партия.

Ключевые слова: избирательная система, Конституция, закон, депутат, партия.

Key words: electoral system, Constitution, law, deputy, party.

Выборы в представительные органы государственной власти есть одна из основных организационно-правовых форм реализации принципа народовластия, закрепленного в главе 2 Конституции Республики Узбекистане. Выборы есть форма непосредственной демократии, на основе которого граждане непосредственно реализуют свое право участия в управлении государственными делами. Как отмечает Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов: «Принципы свободы выбора и волеизъявления и, прежде всего, конституционное право каждого избирать и быть избранным в представительные органы государственной власти положены в основу модели нашей национальной государственности. Выборы — это важнейший узловой вопрос демократичности правовых норм, действующих в стране, неотъемлемый атрибут демократического правового государства, основная форма волеизъявления народа, участия граждан в управлении делами государства и общества»¹.

За годы независимости избирательное законодательство Узбекистана прошло последовательный эволюционный путь формирования и развития. В результате либерализации и модернизации всех сфер общественной жизни создана современная избирательная система, отве-

чающая самым высоким демократическим требованиям. Сформирована эффективная, соответствующая общепризнанным международным нормам и принципам нормативно-правовая база выборов, обеспечивающая гарантии свободно волеизъявления граждан, право каждого свободно избирать и быть избранным в представительные органы государственной власти. С учетом собственного национального опыта проведения демократических выборов и референдума в Узбекистане осуществляется планомерная системная работа по совершенствованию избирательного законодательства.

Так, очередным этапом совершенствования выборного законодательства страны стал период после выборов 2009 года, который был направлен на более полное обеспечение избирательных прав граждан.

На данном этапе важным фактором дальнейшего развития избирательного законодательства стала Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Как отмечается в Концепции: «...с ужесточением межпартийной конкуренции все более разнообразными и масштабными становятся формы и методы предвыборной агитации. В этой связи в выборном законодательстве следует предусмотреть нормы,

направленные на повышение эффективности механизмов обеспечения равных условий кандидатам в депутаты, политическим партиям в ходе проведения этого важнейшего этапа избирательной кампании»².

В реализации положений Концепции, 19 декабря 2012 года был принят Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в законы Республики Узбекистан «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан» и «О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов» в связи с дальнейшим обеспечением свободы выбора и развитием избирательного законодательства»³ направленные на четкое определение форм и методов предвыборной агитации, повышение эффективности механизмов обеспечения равных условий кандидатам в депутаты, политическим партиям в ходе избирательной кампании. Усовершенствованы правовые механизмы обеспечения открытости, гласности и прозрачности в ходе выборов.

Данным законом были внесены изменения и дополнения в Закон Республики Узбекистан «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан», а именно, это статьи: 6 — Гласность при подготовке и проведении выборов, 8 — Порядок и норма образования избирательных участков, 27 — Предвыборная агитация, 27¹ — Виды, формы и методы проведения предвыборной агитации, 27² — Проведение предвыборной агитации через средства массовой информации, 27³ — Проведение предвыборной агитации посредством выпуска и распространения печатных, наглядных, аудиовизуальных и других агитационных материалов, 27⁴ — Проведение предвыборной агитации посредством встреч с избирателями, 32 — Составление списков избирателей, 33 — Ознакомление граждан со списками избирателей, 38 — Время и место голосования, 41 — Порядок голосования, 65 — Ответственность за нарушение настоящего Закона⁴.

Аналогичные изменения и дополнения были внесены в Закон Республики Узбекистан от 5 мая 1994 года «О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов»⁵.

Следующим шагом в реформировании избирательного законодательства стало принятие 9 апреля 2012 года Конституционного закона Республики Узбекистан «Об очередных выборах в представительные органы государственной власти и Президента Республики Узбекистан», которым определены конкретные сроки проведения очередных выборов. Так установлено, что очередные выборы в Законодатель-

ную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Жокаргы Кенес Республики Каракалпакстан, в представительные органы государственной власти областей, районов, городов должны быть проведены в первое воскресенье третьей декады декабря 2014 года, а очередные выборы Президента Республики Узбекистан в первой половине 2015 года — в первое воскресенье по истечении 90 дней со дня подведения Центральной избирательной комиссией Республики Узбекистан итогов выборов в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан⁶.

Далее, 20 января 2014 года был принят Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» статьей 5 которого внесено изменение в статью 22 Закона Республики Узбекистан «О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов». В частности, закрепляется, что часть седьмую статьи 22 Закона Республики Узбекистан от 5 мая 1994 года «О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов» изложить в следующей редакции: «Политические партии выдвигают кандидатом в депутаты только членов своей партии или беспартийных, а органы самоуправления граждан вправе выдвинуть кандидатами в депутаты лиц независимо от принадлежности к той или иной партии. Кандидатами в депутаты выдвигаются лица из числа граждан, активно участвующих в общественно-политической жизни страны, развитии экономики соответствующей области, района, города, содействующих повышению эффективности малого бизнеса и частного предпринимательства, фермерского движения. О выдвижении кандидатов в депутаты составляется протокол»⁷.

Очередным важным шагом в демократизации избирательного законодательства стало его совершенствование на конституционном уровне. В частности, 16 апреля 2014 года был принят Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в отдельные статьи Конституции Республики Узбекистан (статьи 32, 78, 93, 98, 103 и 117)», согласно которому статья 117 была дополнена шестым — девятым частями⁸. Данные дополнения были внесены в целях конституционного закрепления вопросов демократического формирования Центральной избирательной комиссии, а также основных принципов ее деятельности, прежде всего принципа независимости.

Для реализации вышеуказанных конституционных нововведений, 4 сентября 2014 года был

принят Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан», которым были внесены изменения: статьёй 9 — в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, статьёй 19 — в Закон Республики Узбекистан «О Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан», статьёй 29 — в часть первую статьи 70 Бюджетного кодекса Республики Узбекистан. Данные изменения и дополнения направлены на демократическое формирование Центральной избирательной комиссии, определение основных принципов ее деятельности, укрепление ее независимости, в том числе финансовой, а также установление административной ответственности за правонарушения в области законодательства о выборах и референдуме.

Вышеуказанные правовые реформы придали ещё больший демократизм выборам в представительные органы государственной власти, прошедшие 21 декабря 2014 года.

Так, согласно нововведению в п. 6 Положения «О выдвижении кандидатов в депутаты в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан от Экологического движения Узбекистана и их избрании» утвержденного Постановлением ЦИК Республики Узбекистан от 11 сентября 2014 года наблюдателям, в т.ч. зарубежным, а также СМИ было предоставлено право присутствовать на Конференции Экологического движения Узбекистана по выборам депутатов Законодательной⁹. Данный правовой механизм обеспечил открытость и прозрачность выборов депутатов от Экологического движения.

Ещё одним важным нововведением в законодательство о выборах на основе вышеуказанного Закона от 19 апреля 2012 года стало внесение дополнений, направленных на усиление гарантий участия на выборах граждан, находящихся в местах содержания под стражей. Здесь, имеется ввиду граждан, задержанных и заключенных под стражу при производстве по уголовному делу и находящихся в местах содержания под стражей — изоляторах временного содержания, следственных изоляторах, гарнизонных и войсковых гауптвахтах, в соответствии со ст. 8 Закона Республики Узбекистан «О содержании под стражей при производстве по уголовному делу».

Для реализации нововведений в этой части Закона, ЦИК Республики приняло Постановление об утверждении Положения «О порядке образования избирательных участков в местах содержания под стражей» Узбекистан от 11 сен-

тября 2014 года¹⁰. Данным Положением урегулированы избирательные процедуры по обеспечению участия на выборах граждан содержащихся в местах содержания под стражей. Это такие процедуры как порядок образования избирательных участков, порядок образования участковых избирательных комиссий, внесение в список избирателей граждан содержащихся в местах содержания под стражей, обеспечение открытости деятельности избирательных комиссий, информирование задержанных и заключенных под стражу о ходе избирательной кампании, голосование в местах содержания под стражей.

Правовое развитие избирательного законодательства, предшествовавшее выборам 21 декабря 2014 года, создало необходимые правовые гарантии для проведения выборов на высоком демократическом уровне. Выборы продемонстрировали приверженность народа Узбекистан избранному пути построения демократического правового государства и сильного гражданского общества, дальнейшего углубления реформ во всех сферах общественно-политической жизни.

По общему заключению зарубежных наблюдателей за выборами прошедшие 21 декабря 2015 года, выборы прошли в полном соответствии с международными стандартами. В частности ими отмечается, что избирательный процесс в Узбекистане соответствует стандартам прозрачности и справедливости, применяемым в демократически развитых странах. Прошедшие выборы ярко продемонстрировали возросшую активность электората Узбекистана, его политическую и правовую зрелость¹¹.

Наряду с этим следует отметить, что нововведения в выборное законодательство усилили правовые гарантии участия на выборах средств массовой информации, местных и иностранных наблюдателей, тем самым обеспечили еще большую гласность и открытость избирательного процесса. В частности, ход выборов освещали свыше 550 отечественных и более 120 зарубежных СМИ, в том числе 180 интернет-изданий. Всего опубликовано более 9 тысяч материалов, связанных с ходом подготовкой и проведением выборов. Мониторинг выборов осуществляли более 340 наблюдателей от пяти международных организаций — БДИПЧ/ОБСЕ, СНГ, ШОС, ВАИО и ОИС, а также от 52 государств и свыше 70 тысяч наблюдателей и уполномоченных представителей политических партий, выдвинувших кандидатов в депутаты.

О демократизме выборов свидетельствуют

также тот факт, что за один депутатский мандат боролись в среднем по четыре кандидата. В итоге, по результатам выборов в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан от УзЛиДеп избрано — 52 депутатов, от Демократической партии Узбекистана «Миллий тикланиш» — 36, от Народно-демократической партии Узбекистана — 27 и от Социал-демократической партии Узбекистана «Адолат» — 20.

В свою очередь, активности граждан на выборах также способствовала реализация положений Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. В частности, на основе Концепции проведены правовые реформы по повышению роли и значения выборных органов в системе государственной власти, уси-

лению их полномочий в формировании и реализации внутренней и внешней политики государства. Наряду с этим усилена ответственность исполнительных органов власти перед представительными — парламентом и местными Кенгаши народных депутатов. Созданы правовые предпосылки повышения активности политических партий их депутатских объединений.

Таким образом, прошедшие выборы в Олий Мажлис Республики Узбекистан, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов продемонстрировали возросшую политико-правовую зрелость граждан и последовательность Узбекистана в построении демократического правового государства и сильного гражданского общества, углублении экономических реформ, направленных на повышение благосостояния народа.



¹ См.: Каримов И.А. Дальнейшее углубление демократических реформ и формирование гражданского общества — основной критерий развития нашей страны. Т. 19. — Т.: Узбекистан, 2011. — С.72-73.

² См.: Каримов И.А. Дальнейшее углубление демократических реформ и формирование гражданского общества — основной критерий развития нашей страны. Т. 19. — Т.: Узбекистан, 2011. — С. 78.

³ См.: Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2012, № 12, ст. 331.

⁴ См.: Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2003, № 9-10, ст. 132.

⁵ См.: Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1994, № 5, ст. 125.

⁶ См.: Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2012, № 4, ст. 104.

⁷ См.: Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2014, № 1, ст. 2.

⁸ См.: Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2014, № 4, ст. 85.

⁹ См.: Положения и инструкции ЦИК Республики Узбекистан. — Т.: Узбекистан, 2014. — С. 21.

¹⁰ См.: Положения и инструкции ЦИК Республики Узбекистан. — Т.: Узбекистан, 2014. — С. 86.

¹¹ См.: WWW.elections.uz.

Аҳаджон ҚАҲҲОРОВ,
Олий ҳарбий божхона институти катта ўқитувчиси

ХАЛҚАРО САВДОНИ СОДДАЛАШТИРИШНИНГ БОЖХОНАГА ОИД ЖИҲАТЛАРИ: КИОТО КОНВЕНЦИЯСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ИСТИҚБОЛЛАРИ

- ◆ Мақолада Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро конвенция тўғрисида умумлаштирувчи маълумот берилган ва Ўзбекистон Республикасининг ушбу конвенцияга аъзо бўлишига оид таклифлар тайёрланган.
- ◆ В статье проводится обзор Международной конвенции по упрощению и гармонизации таможенных процедур и подготовлены предложения по вступлению Республики Узбекистан в настоящую конвенцию.
- ◆ The article provides an overview of the International Convention on the Simplification and Harmonization of Customs procedures and proposals on the accession of the Republic of Uzbekistan in this Convention.

Таянч сўзлар: ББТ, Киото конвенцияси, божхона органлари, божхона процедураларини соддалаштириш, халқаро савдони соддалаштириш.

Ключевые слова: ВТамО, Киотская конвенция, стандарт, таможенные органы, упрощение таможенных процедур, упрощение международной торговли.

Keywords: WCO, Kyoto Convention, standard, the customs authorities, the simplification of customs procedures, facilitation of international trade.

Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро конвенция (кейинги ўринларда — Киото конвенцияси) Бутунжаҳон божхона ташкилоти (кейинги ўринларда — ББТ) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 1973 йил 18 майда Киото шаҳрида (Япония) бўлиб ўтган ушбу ташкилот Кенгашининг 41/42-сессиясида қабул қилинди ва 1974 йилнинг 25 сентябридан кучга кирди.

Мазкур конвенция қабул қилингандан сўнг ўтган давр мобайнида халқаро савдо ҳажмининг жадал суръатлар билан ошиши, ахборот технологияларининг ривожланиши ва халқаро савдо фаолиятидаги рақобатнинг кучайиб бориши анъанавий божхона бошқаруви ва процедуралари билан зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, ташқи савдода божхона органлари тўсиқ эмас, балки яқин ёрдамчи вазифасини ўташлари учун нима иш қилиш лозим, деган масала ҳам узоқ вақт давомида кун тартибидаги муҳим маса-

лалар қаторидан ўрин олиб келди. Бу эса ўз навбатида, божхона органлари қўллаб келаётган механизмларни тубдан ислоҳ қилиб, халқаро савдо талабларига жавоб берадиган ва уни амалга оширишни соддалаштиришга имкон яратадиган механизмларни ишлаб чиқиш, божхона органлари фаолиятларини модернизация қилиш зарурлигини тақозо этди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий, албатта. Ҳўш, “савдо процедураларини соддалаштириш” ва “божхона процедураси” тушунчалари нимани англатади? Ушбу тушунчаларнинг мазмуни ва моҳияти миллий қонунчиликда ёритиб берилмаган. Шу билан бирга, божхона ишини тартибга солувчи айрим қонуности ҳужжатларида “божхона процедураси” тушунчасини, унинг моҳиятини баён қилмаган ҳолда, қўллаш ҳолатларини кузатиш мумкин¹. Айнан шунинг учун ҳам ушбу тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятига умумэтироф этилган

халқаро меъёрлар асосида аниқлик киритиб кетишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий комиссияси ва Божхона Иттифоқи² комиссияси томонидан Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда тайёрланган “Савдо процедурларини енгиллаштириш: инглизча-русча терминлар глоссарийси”га асосан:

“савдо процедураларини соддалаштириш (trade facilitation) — ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиш учун зарур бўлган барча тегишли маълумотларни ва процедураларни автоматлаштириш, стандартлаштириш, уйғунлаштириш, соддалаштириш; товарларнинг чегара орқали олиб ўтилишини енгиллаштириш мақсадида бюрократик характерга эга бўлган тўсиқларни бартараф этиш (бундай тўсиқлар сирасига бир-бирини такрорловчи маъмурий процедуралар ва ҳужжатлар, божхона органлари фаолияти самарадорлигининг пастлиги ёки уларда кадрлар етишмаслиги, чегарадаги процедуралар шаффофлик даражасининг етарли эмаслиги кабилар кирради);

божхона процедураси — товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишга оид чораларни қўллаш, шунингдек товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи ҳуқуқий ва маъмурий қоидалари мажмуидан иборат”.

Божхона Иттифоқи Божхона кодексида божхона процедурасига янада аниқроқ ва тушунарлироқ қилиб — *“божхона процедураси — Божхона Иттифоқининг божхона ҳудудида ёки унинг ташқарисида товарлардан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш шартлари ва талабларини божхона мақсадлари учун белгиловчи меъёрлар мажмуи”*, — дея таъриф берилади. Ушбу таъриф Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 7-моддасининг 12-бандидаги “божхона режими” тушунчасига, маълум бир аниқликлар киритиш шarti остида, яқин бўлган тушунчадир.

Божхона процедурасининг таърифидан кўринадими, процедуранинг таркибига кирувчи ҳаракатларни бажаришда уларга риоя этилиши лозим бўлган талаб ва шартлар ҳар бир божхона процедурасининг ўзига хослигини билдиради. “Божхона процедураси” ҳуқуқий категорияси шахсининг божхонага оид ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлишига имконият яратади. Ушбу процедура қўлланилган товарнинг ҳуқуқий мақоми эса ташқи савдо қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини белгилайди.

Ташқи савдони божхона томонидан самарали тартибга солишда, уни амалга оширишда давлат манфаатлари билан ташқи савдо қатнашчиларининг манфаатлари ўртасида адолатли мувозанат ўрнатишда божхона процедурларининг ўрни бе-

киёсдир. Божхона процедураси товарларнинг божхона ҳудудида бўлиш ва улардан фойдаланиш шартлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, уларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартибини, фойдаланиш доирасини, товарларни олиб ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ушбу процедура остига жойлаштирилаётган товарларга нисбатан қўйиладиган талабларни, божхона органлари томонидан товарларга нисбатан тариф ва нотариф чораларни қўллашнинг меъёрларини белгилайди. Божхона процедураларини такомиллаштириш ташқи иқтисодий фаолият кўламининг ошишига ва бунинг натижаси ўларок, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида таъкидланганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ташқи савдони тартибга солувчи миллий божхона қонунчилигини умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида такомиллаштирмай туриб, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашувини таъминлаш ўта мушкул ва таъбир жоиз бўлса, ҳал этиб бўлмайдиган масалалардан саналади. Айнан шу масала амалдаги божхона процедуралари самарадорлигини ошириш божхона иши соҳасидаги долзарб вазифалардан эканлигини кўрсатади.

Маълумки, халқаро савдони соддалаштириш кўп факторли, мураккаб масала бўлиб, юқорида қайд этилганидек, ушбу масаланинг божхонага оид жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, турли мамлакатлар божхона хизматлари томонидан қўлланилаётган божхона процедураларининг хилма-хил кўринишга эга бўлиши, яъни уларнинг бир-биридан фарқ қилиши халқаро савдонинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва шу сабабли, божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш халқаро савдо процедураларини соддалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, божхона органларидан барча жараёнларни ўзида мужассам этган, шаффоф божхона қонунчилигини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шу муносабат билан божхона механизмларини халқаро савдо талаб ва эҳтиёжларига мувофиқлаштириш мақсадида БТТ томонидан Киото конвенциясининг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, ушбу ташкилот Кенгашининг 1999 йил 26 июндаги Баённомасига асосан қабул қилинди.

Киото конвенцияси божхона иши соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлиб, қатор ривожланган давлатлар божхона қонунчилигининг йўналишларини белгиловчи восита бўлиб ҳисобланади. Ушбу конвенция БТТ доирасида божхона иши соҳасида қабул қилинган божхона сиёсатининг ягона принципларини яратишни назарда тутувчи асосий ҳужжат бўлиб, тўлалигича божхона ишига оид бўлган ягона халқаро конвенциядир.

Киото конвенцияси давлат ва жамиятнинг ман-

фаатларига зиён етказмаган ҳолда, товарларни божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш ишларини соддалаштириш ва тезлаштириш орқали халқаро савдони рағбатлантиришга қаратилган. Унинг қоидалари тўғридан-тўғри таъсир этувчи меъёрлар кўринишида эмас, балки у ёки бу божхона процедурасини тартибга солишга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтовчи принциплар шаклида баён қилинган. Бу ўз навбатида, божхона процедураларини соддалаштириш билан ишончли божхона назоратини таъминлаш ўртасида адолатли мувозанат ўрнатиш, яъни давлат манфаатларини ҳам, халқаро савдо қатнашчилари манфаатларини ҳам бирдек қаноатлантириш имконини беради.

БТ Кенгашининг юқорида келтириб ўтилган Баённомаси шартига асосан, эски таҳрирдаги конвенциянинг 40 та аъзоси ушбу Баённомани имзолагандан сўнг, мазкур Баённома Киото конвенциясининг матни ва Бош иловаси кучга кириши белгиланган бўлиб, бу ҳодиса 2006 йилнинг 3 февралда юз берди. Шундан сўнг, эски таҳрирдаги конвенцияга аъзо бўлмаган бошқа давлатларнинг ҳам Киото конвенциясига қўшилишлари учун имконият пайдо бўлди.

Киото конвенцияси божхона процедураларини такомиллаштиришга, халқаро савдо барқарор ва амалий натижа беришига эришиш учун ушбу процедураларни глобаллаштиришга қаратилган ва у ўзида халқаро савдони божхонага оид усуллар билан тартибга солишнинг муҳим замонавий концепцияларини ва ёндашувларини мужассам этган. Ушбу концепция ва ёндашувлар янги технологияларни қўллашни, божхона назоратининг замонавий шаклларини жорий этишни, халқаро савдо қатнашчиларининг божхона органлари билан ўзаро фойдали аснода шерикчилик қилишларини назарда тутди.

Киото конвенцияси принципларининг энг муҳимларидан яна бири — бу халқаро савдонинг барча жиҳатларида божхона расмийчиликлари ва процедуралари шаффофлигини таъминлаш мажбуриятини божхона органлари ўз зиммасига олишидир.

Бундан ташқари, божхона органлари конвенциянинг халқаро стандартларини амалиётга жорий этиш мақсадида бошқарув органлари ва халқаро савдо қатнашчилари билан ўзаро ҳамкорликда хавфни бошқариш тизимини жорий этишлари лозим.

Киото конвенцияси аввалгисидан фарқли ўлароқ, унга аъзо бўлган давлатлар сўзсиз қабул қилишлари лозим бўлган мажбурий қоидаларни ўз ичига олади. Бунинг натижасида конвенциянинг соддалаштириш ва уйғунлаштириш принциплари божхона органлари томонидан самарали тарзда қўлланилади. Ушбу принциплар куйидагилардан иборат:

божхона процедуралари ва амалиётини узлуксиз такомиллаштириш орқали улар самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган дастурларни бажариш;

божхона процедуралари ва амалиётини адекват, олдиндан маълум бўлган кетма-кетликда ва шаффоф тарзда қўллаш;

божхона процедуралари ва амалиёти, бошқаруви тавсиялари, божхона ишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оид барча зарур маълумотларни манфаатдор томонларга тақдим этиш;

хавфни бошқариш ва аудит усуллари асосида назорат қилиш ва ахборот технологияларидан максимал фойдаланиш каби замонавий усулларни қўллаш;

зарур бўлган ҳолларда давлатнинг бошқа органлари, божхона органлари ва савдо уюшмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

тегишли халқаро стандартларни жорий этиш; манфаатдор томонларга суд ва маъмурий ишларни эркин кузатиш имконини яратиш.

Конвенцияга аъзо бўлган ҳар бир давлат божхона процедураларини уйғунлаштириш ва соддалаштиришга имконият яратиш ва шу мақсадда конвенциянинг стандартлари, ўтиш стандартлари ва амалий қўллаш бўйича тавсияларнинг талабларига бўйсунуш мажбуриятини олади. Бироқ, аъзо давлатлар конвенцияда назарда тутилган имтиёزلардан кенгроқ имтиёزلарни бериш ҳуқуқига ҳам эгадирлар ва бундай ҳаракатлар фақатгина оқибатланади.

Шу билан бирга, конвенциянинг ушбу талаби божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган айрим товарларга нисбатан тақиқлар ёки чеклашлар ўрнатишга қаратилган миллий қонунчиликнинг татбиқ этилишига ҳалақит бермайди³.

Юқорида қайд этилганидек, конвенцияни қабул қилишдан асосий мақсад — божхона ишига оид меъёрларнинг конвенцияга аъзо давлатлар томонидан бир хилда қўлланилишини таъминлаш ва бу орқали божхона процедураларининг дунё миқёсида уйғунлашувига ва соддалашувига эришишдан иборат. Шунинг учун ҳам унинг бир хилда қўлланилишини ва тушунилишини таъминлаш, конвенцияга ўзгартиришлар киритишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида конвенцияни бошқариш бўйича Қўмита ташкил этилган бўлиб, конвенцияга аъзо давлатлар ушбу Қўмитанинг ҳам аъзоси ҳисобланадилар.

Конвенцияда божхона процедураларини деталлаштиришдан мақсад — божхона соҳасидаги миллий қонунчиликни бирхиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш, божхона расмийчиликлари бюрократлашиб кетишининг олдини олишидир.

БТнинг ёки БМТнинг исталган аъзоси ратификация қилиш тўғрисидаги қўшимча шартларсиз конвенцияни имзолаши ёки ратификация қилиши та-

лаб этилганда конвенцияни имзолагандан сўнг, уни ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлашга топшириш ёхуд конвенцияга қўшилиш йўли билан мазкур конвенциянинг аъзоси бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки унга қўшилиш вақтида имзолувчи томон унинг қайси Махсус иловаларига ёки бобларига қўшилишини аниқ кўрсатиши лозим.

Таъкидланганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Бош иловада қайд этилган меъёрлар аъзо давлатлар тарафидан сўзсиз бажарилиши зарур. У ёки бу давлат бир ёки бир неча Махсус иловага, ушбу Махсус илованинг бир ёки бир неча бобига қўшилиши мумкин. Бундай ҳолда Махсус иловадаги (бобдаги) стандартлар ушбу давлат учун мажбурий бўлади. Махсус илова(лар)даги амалий қўллаш бўйича тавсияларни татбиқ этиш масаласида эса шартлашишга йўл қўйилади.

Ҳар бир аъзо давлатга Конвенциянинг Бош иловасидаги ва қўшилиш мақсадга мувофиқ деб топилган Махсус илова(лар)да ёки боб(лар)даги стандартларни жорий этиш учун 36 ойлик, Бош иловадаги ўтиш стандартларини жорий этиш учун эса 60 ойлик муҳлат берилади. Шу билан бирга, ушбу муددатлар етарли эмас деб топилган тақдирда, аъзо давлат уларни узайтириш тўғрисида конвенцияни бошқариш бўйича тузилган Қўмитага асосланган муурожаат тақдим этиши мумкин.

Ҳар бир аъзо давлат Махсус илова(лар)ни ва боб(лар)ни амалий қўллаш бўйича тавсияларни, агарда ушбу тавсияларнинг бир ёки ундан ортигига нисбатан қўшимча шартлар билдирилмаган бўлса, 36 ой мобайнида амалиётга жорий этиши лозим.

Шу билан бирга, Конвенциянинг ихтиёрий аъзоси ушбу Конвенциянинг 17 ва 19-моддаларида назарда тутилган тартиб асосида конвенциядан чиқиши ҳам мумкин.

Таъкидланганлардан хулоса қилиш мумкинки, Киото конвенцияси янги — XXI асрнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамда чақириқларига жавоб берадиган самарали божхона процедураларининг концептуал лойиҳасидир. Ушбу ҳужжатни кенг қўллаш натижасида халқаро савдо қатнашчилари халқаро савдо жараёнида амалга ошириладиган операцияларни ва улар самарадорлигини зарур даражада олдиндан билиш имконига эга бўладилар.

ББТнинг маълумотида⁴ кўра, 2015 йил 12 январь ҳолатига ушбу нуфузли халқаро конвенцияга аъзо бўлган давлатларнинг сони 98 тани ташкил этиб, Жанубий Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Европа Ҳамжамияти каби Ўзбекистон Республикасининг йирик савдо шериклари улар орасидан ўрин олган.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилганидек, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва

Беларусь Республикаси Киото конвенциясига аъзо бўлиб⁵, ушбу давлатлар Божхона Иттифоқини ташкил этади ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг 2009 йил 27 ноябрдаги 17-сонли қарорига асосан ушбу Иттифоқнинг Божхона кодекси қабул қилинган. Лекин, таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, [4-6] Киото конвенциясидаги тушунчалар билан Божхона Иттифоқи Божхона кодексида ишлатилган тушунчалар ўртасида фарқлар мавжуд ва бундай ҳолатларни МДҲга аъзо бўлган бошқа давлатлар божхона қонунчилигида ҳам учратиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, Киото конвенциясини бир хилда қўллаш ва изохлаш ишларига салбий таъсир этади.

Ўзбекистон Республикасининг Киото конвенциясига муносабатларига тўхталадиган бўлсак, мамлакатимиз ҳозирда ушбу халқаро конвенцияга аъзо бўлмаса-да, ушбу конвенция Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятини такомиллаштиришда истиқболли йўналишлардан бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг вакиллари ушбу конвенцияни ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ этиш масалалари бўйича ўтказилаётган турли халқаро анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ана шундай анжуманлардан бирининг, яъни ББТ ва Жаҳон савдо ташкилоти экспертлари ҳамда Грузия, Латвия, Македония, Покистон, Сербия, Туркия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари божхона органларининг вакиллари иштирокида Киото конвенциясига аъзо бўлиш ва уни амалиётга жорий этиш масалаларига бағишланган минтақавий семинарнинг 2004 йилнинг 4-8 октябрида айнан Тошкент шаҳрида ўтказилиши ушбу фикрнинг яққол исботидир.

Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 апрелдаги 219-ф-сонли фармойишига асосан Божхона кодексининг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, божхона иши соҳасидаги халқаро конвенциялар, шу жумладан, Киото конвенцияси ушбу лойиҳанинг халқаро ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Киото конвенциясида белгилаб қўйилган божхона процедураларининг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилиниши:

биринчидан, Киото конвенциясининг қоидалари божхона назоратидан ўтказиладиган товарларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган тақиқлов ва чекловларга тааллуқли эмас, яъни Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи қонунчилиги (тариф ва нотариф усуллари);

иккинчидан, Киото конвенцияси билан тартибга солинадиган муносабатлар давлатнинг бож — тариф сиёсати, шу жумладан, божхона қоидабузарликларининг кўринишларини ва айбдор

шахсларни жавобгарликка тортиш тартибини белгилашда Ўзбекистон Республикаси ваколатларига салбий таъсир этмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Киото конвенциясига самарали аъзо бўлишини таъминлаш мақсадида бизнинг назаримизда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

— тегишли эксперт-мухассисларни жалб этган ҳолда, Киото конвенциясини давлат тилига расмий таржима қилиш;

— божхона ишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Киото конвенциясида белгиланган меъёрлар қай даражада акс этганлигини аниқлаш мақсадида мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш талаб этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини тузиш;

— хорижий давлатларнинг, шу жумладан, МДҲга аъзо давлатларнинг Киото конвенциясига аъзо бўлишига оид тажрибаларини ўрганиш;

— Ўзбекистон Республикаси Киото конвенциясига қай даражада қўшилиши мумкинлиги ҳақида асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикасининг Киото конвенциясига қўшилиши миллий божхона қонунчилигининг халқаро меъёрлар асосида такомиллаштирилишида муҳим омил вазифасини ўтайди ва божхона органлари билан ташқи савдо қатнашчилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ишларига ижобий таъсир қилади. Бунда божхона органлари товарларни божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказиш ишларида хавфни бошқариш, товарлар чиқишга рухсат берилгандан кейинги божхона назорати, божхона аудити, ваколатли иқтисодий операторлар, ахборот технологияларини, ташқи савдо қатнашчилари эҳтиёжларини инобатга олиб, кенг қўллаш каби халқаро стандартлар доирасида фаолият кўрсатишлари лозим бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, Киото конвенцияси давлат ва жамиятнинг манфаатларига зиён етказмаган ҳолда, товарларни божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказиш ишларини содда-

лаштириш ва тезлаштириш орқали халқаро савдони рағбатлантиришга, унга аъзо давлатлар иқтисодиётини мустаҳкамлашга ва инвестицияларни жалб этишга қаратилган. Зеро, конвенцияга аъзо давлатларда ўз фаолиятини амалга ошираётган халқаро савдо қатнашчилари ишончга, барқарорликка, аниқликка ва шаффофликка эга бўладилар. Бу эса ўз навбатида, ушбу мамлакат инвестиция имкониятларининг янада кенгайиши ва иқтисодиёти барқарор бўлишида муҳим омил вазифасини ўтайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўнгги қисқа даврда мамлакатимизда иқтисодиётни, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони шулар жумласидандир.

Ушбу фармонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ижобий ишлар билан бирга, ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумэтироф этилган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос эмаслиги, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ҳар томонлама асосларга эга бўлган ушбу танқидий фикр, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишни, бизнесни юритиш ишларини умумэтироф этилган халқаро андозалар даражасига етказишни ва шу асосда мамлакатимизда ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити даражасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада изчиллик билан давом эттиришни тақозо этиб, бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги «Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 63-сонли Қарори

² Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Қозғоғистон Республикаси давлатлари ўртасида 2007 йил 6 октябрда Душанбе шаҳрида имзоланган “Божхона Иттифоқини шакллантириш ва ягона божхона ҳудудини барпо этиш тўғрисида”ги шартномага асосан ушбу давлатлар Божхона Иттифоқини ташкил этадилар.

³ Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 9-10-моддалари.

⁴ Интернет манзил - <http://www.wcoomd.org/>

⁵Закон Республики Казахстан от 24.02.2009г. № 141-IV ЗРК «О ратификации Международной конвенции об упрощении и гармонизации таможенных процедур», Закон Республики Беларусь от 16.11.2010г. № 194-З «О присоединении Республики Беларусь к Международной конвенции об упрощении и гармонизации таможенных процедур», Федеральный Закон РФ от 03.11.2010г. № 279-ФЗ «О присоединении РФ к Международной конвенции об упрощении и гармонизации таможенных процедур от 18 мая 1973г. в редакции Протокола о внесении изменений в Международную конвенцию об упрощении и гармонизации таможенных процедур от 26 июня 1999г.»



Мэлс РАҲМОНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақола жамият учун ижтимоий хавfli қилмиш ҳисобланган болалар савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалаларига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена вопросам борьбы и предотвращения такого общественно-опасного деяния как торговля детьми.
- ◆ The article is devoted to combat and prevention of child trafficking as socially-dangerous act.

Таянч сўзлар: вояга етмаганлар, болалар савдоси, жиноят, конвенция, профилактика, реабилитация.

Ключевые слова: несовершеннолетние, торговли детьми, преступление, конвенция, профилактика, реабилитация.

Key words: minority, child trafficking, crime, convention, preventive, rehabilitation.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралда қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қароридан баркамол авлодни ҳар томонлама тарбиялаш ва вояга етказиш ҳамда мазкур соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилган эди.

Айтиш жоизки, бу борада қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия тизимининг ролини кучайтиришга йўналтирилган кенг қўлмали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Соғлом она — соғлом бола” Дастури ижроси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан ортиқ аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилди ва барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир вақтда айрим давлатларда болаларни ноқонуний савдоси каби оғир жиноятларни содир этиш ҳолатлари юз бермоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, айтилган вақтда 127 та давлатда болалар савдоси жинояти кўпроқ содир этилса, 137 та давлатда эса болалар ноқонуний равишда эксплуатация қилинмоқда. Шунингдек, ҳар йили 5,7 млн.га яқин бола мажбурий меҳнатга, 1 млн.дан ортиқ қизлар эса фоҳишабозликка жалб этилмоқда¹.

Дунё бўйича одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил қилса, ҳар йили 600-800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда².

Болалар савдоси — инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган ноқонуний кўрол савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, унга қарши курашишга доир муаммоларни ечишда халқаро ва миллий доирада бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, БМТ томонидан 2000 йил 25 майда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясига болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига дахлдор Факультатив протокол қабул қилиниб, болаларни

эксплуатация қилишнинг шакллари кўриб чиқилди ва бола савдосига ҳуқуқий таъриф берилди.

Ушбу ҳужжатга кўра, бола савдоси деб — ҳар қандай шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан раб-батлантирув ҳамда бошқа тўловлар эвазига бош-қа шахс ва шахслар гуруҳига болаларни тақдим этиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат ёки ҳара-катсизликка айтилади³.

Ўзбекистоннинг амалдаги миллий қонунчили-гида бола савдоси ҳақида алоҳида ҳуқуқий тушун-ча мавжуд бўлмаса-да, Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми “а” бандида одам савдоси-ни вояга етмаган шахсларга нисбатан содир эти-лиши белгилаб қўйилган.

1-жадвал

Йил-лар	Ҳомийликка берилганлар сони	Васийликка берилганлар сони	Патранатга берилганлар сони	Фарзандликка олинганлар сони
2001	1897	1476	213	2619
2002	1804	1322	297	2426
2003	2360	1379	53	2786
2004	2146	1346	123	2902
2005	2057	1426	79	2828
2006	1124	1955	100	2596
2007	1207	1865	34	2872
2008	1182	1908	60	2960
2009	1250	1838	91	2980
2010	1202	1885	115	3074
2011	1151	2005	110	3172
2012	1132	1891	75	3155
2013	1102	1895	80	3250
2014	993	1727	81	2320

Болалар савдоси жиноятининг оқибатлари қу-йидаги тартибда таснифланди:

жисмоний: турли касалликлар, шахвоний экс-плуатацияга жалб қилинган қизларнинг ҳомиладор бўлиб қолиш эҳтимоли ва депрессия.

психологик: руҳан тушкунликка тушиши ва суицидал хулқнинг шаклланиши, ўзини олди-сотди битимларининг объекти каби тасаввур қилиш.

ижтимоий: жабрланувчиларнинг ёши катта фуқароларга ишонмай қолиши, ўғирлик ва бошқа маиший жиноятларга қўл уриш.

Бугунги кунда мана шундай аянчи ва ижтимо-ий хавфли бўлган қилмишларнинг мамлакатимиз фуқаролари томонидан ҳам содир этилаётганли-гининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, 2014 йил 8 апрель куни Москва вилоятининг Видное шаҳрида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўзи-нинг икки нафар вояга етмаган (чақалоқ ва 1,5 ёшли) фарзандини 1 млн. рублга сотаётган вақтда тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди, РФ ЖКнинг 127¹-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзга-тилган.⁴

Ўзбекистонда бола савдосига қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу муаммоларни бартараф этишда умумижтимоий курашни кўйидаги йўналишларда олиб бориш ло-зим бўлади:

1. Қонунчиликни такомиллаштириш.

Одатда, болаларни фарзанд қилиб олиш ҳолат-ларининг айримларида мақсад болани оилага

фарзанд сифатида қабул қилмасдан жиноий гу-руҳлар томонидан қонунийлаштириб, боладан даромад манбаи сифатида фойдаланиш бўлади. Бундай болалардан кейинчалик тиланчилик, қимор ўйинларида фойдаланилади ёки улар мулк сифа-тида бошқа жиноятчиларга сотиб юборилади. Сўнги йилларда жиноий гуруҳлар томонидан бо-лаларни ноқонуний равишда фарзандликка олиш ишларини амалга оширишда бола яшаб турган мамлакатнинг қонунчилигидаги имкониятларидан фойдаланилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила — кодексининг 237-моддасида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар болани фарзанд-ликка олишда боланинг қонуний вакили ва дав-латнинг ваколатли органининг розилиги, шунинг-дек, агар ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига му-вофиқ талаб қилинса, фарзандликка олиш ҳақида боланинг ҳам розилиги олиниши лозимлиги бел-гиланган.

Хориж тажрибаси, шу жумладан, Россия Фе-дерацияси мисолида кўрадиган бўлсак, чет эл фу-қаролари томонидан РФ ҳудудида туғилган бола-лар фарзандликка қабул қилинганда ва бошқа мамлакат ҳудудига олиб чиқилганда, фарзандлик-ка қабул қилинган бола вояга етмагунча РФ фуқа-ролигини йўқотмаслиги билан боғлиқ ўзгартириш киритилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбе-кистон Республикаси ҳудудида ҳам ушбу тажри-бани қўллаш ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш-да ҳамда фарзандликка олинганларни ғайриижти-мой оилалар, жиноятчилар қўлига тушиб қоли-шининг олдини олишда ёрдам беради.

Шу муносабат билан, Оила кодексининг 237-моддаси 2-қисмига “Агар бола чет эл фуқаросига фарзандликка берилаётган бўлса, у ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар Ўзбекистон фуқароси ҳисоблана-ди” деган қонидани қўшимча сифатида киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунга қўшимча равиш-да 2014 йил 2 январда қабул қилинган “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунга қўшимча мод-да киритиб, “болани васийликка ва фарзандликка олиб кетаётган чет эл фуқароси билан Ўзбекис-тон номидан Республика Халқ таълими вазирлиги ўртасида шартнома тузилиши ҳамда ушбу шарт-номанинг шarti сифатида чет элга олиб кетилган бола тўғрисида токи у вояга етгунча қадар ҳар йилда бир маротаба тегишли давлатнинг васий-лик ва ҳомийлик органи (ёки бошқа масъул идо-раси) томонидан нотариал тасдиқланган ҳолдаги маълумот тақдим этиб турилиши мажбуриятини юклаш” лозимлиги қайд қилиниши керак.

2. Мансабдор шахсларнинг уюшган жи-ноятчилик билан бирга содир этилиши мум-кин бўлган ҳолатлари юзасидан.

Бола савдоси жинояти айниқса, мансабдор шахсларнинг аралашуви остида содир қилиниши

ижтимоий хавфлилиги жиҳатдан юқори ҳисобланади.

Қайд қилиб ўтилган муаммоларни бартараф қилиш хусусида:

биринчидан, гўдаклар ва меҳрибонлик уйларида жамоатчилик кенгашлари ташкил қилиш ва кенгаш аъзоларига болаларнинг ҳимояси ва соғлиғини таъминлашга масъул идоралардан ходимларни жалб қилиб, болалар меҳрибонлик уйларига ёки бошқа жойларга олиб чиқиладиганда кенгаш аъзолари қатнашишини қатъий белгилаб, хавфсизлик масалалари бўйича масъул қилиб, ички ишлар идорасини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади;

иккинчидан, чақалоқ савдоси ўсиб бораётганлиги, ушбу жиноятнинг латентлиги, яъни болани сотиш нияти мавжуд оналарнинг ўз вақтида аниқлаш ва улар билан тегишли равишда профилактик ишлар олиб бориш лозим. Бунда ички ишлар бўлимларининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳининг бошқа идоралар билан ҳамкорлигини қайта кўриб чиқиш лозим.

Бунинг учун туман ИИБ, туман тиббиёт бирлашмаси (қишлоқ врачлик пункти ва туғруқхона), маҳалла фуқаролар йиғини, ФХДЁ бўлими, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил қилиш бўлими (васийлик ва ҳомийлик кенгаши), туман прокурори ва туман ҳокими раислик қилувчи вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ўртасидаги ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш лозим.

3. Бола савдоси жабрланувчисига айланган вояга етмаганларга мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда реабилитация қилиш.

Бола савдосидан жабрланганларни ижтимоий муҳитга қайта мослашуви Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йил 1 март ҳолатига кўра, марказда 6 нафар ота-онаси қармоғидаги болалар реабилитация қилинган. Улардан 1 нафари Самарқанд, 1 нафари Сирдарё, 1 нафари Хоразм вилоятлари ва 3 нафари Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги “Республика Болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 419-сонли Қарорига асосан, Республика ижтимоий мослашув маркази ташкил қилиниб, болаларнинг ижтимоий мослашувига оид муаммолар ўрганилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш идоралараро комиссия”си таркибига Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини киритиб, бола савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий мослашувини бевосита Республика иж-

тимоий мослашув марказига юклаб, марказнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни қайд қилиш лозим:

— марказ болалар савдосини юзага келтирувчи сабаб ва омиллар ҳамда уларнинг ижтимоий-психологик қиёфасини мунтазам равишда ўрганиб, айнан болалар савдоси гирдобига тушиб қолиши мумкин бўлган “таваккал” гуруҳини тузиб, улар билан ишлаш ва ушбу гуруҳ болалари фаолиятини мониторинг қилиб боришни ташкил қилиш;

— интерфаол машғулот ва тренинглар ўтказиш орқали болаларнинг одам савдоси жиноятчилигига оид хабардорлик даражасини оширишни ташкил қилиш.

4. Болалар савдоси жиноятига қарши кураш йўналишида амалий ва профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш.

Барча таълим муассасаларида, шу жумладан, мактабгача таълимда ҳам болаларнинг хавфсизлиги юзасидан тадбирлар етарли эмаслиги болаларнинг номаълум сабабларга кўра йўқолиб қолиши натижасида улар бола савдоси қурбонига айланиб қолиши эҳтимоли мавжуд бўлиб бормоқда.

Бу каби муаммоларнинг олдини олиш ва **ҳеч бўлмаганда, уни минималлаштириш** мақсадида вояга етмаганларнинг мактабга боришлари учун масофанинг узоқлигини инobatта олган ҳолда, жойлардаги туман ҳокимликлари томонидан алоҳида дастурлар қабул қилиниб, дастурлар асосида махсус болалар автобусларини ташкил қилиб, болаларнинг мактабга боришини ота-оналар ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш орқали ҳал этилишини жорий қилиш лозим. Бу тажриба хорижий мамлакатларда амалга ошириб келинмоқда. Масалан, Жанубий Корея, Белоруссия, Россия Федерацияси ва 2014 йилнинг апрель ойидан бошлаб Қозоғистонда ҳам мазкур тартиб жорий этилди. Самарқандда “Ицузи” русумли автобуснинг ишлаб чиқарилиши ва уни лизинг асосида автокорхоналарга берилиши муаммони ҳал қилиш механизми ҳисобланади.

Бундан ташқари, болаларнинг йўқолиб қолишининг олдини олишда аҳолининг моддий таъминотидан келиб чиқиб, ихтиёрийлик асосида болаларнинг қўлига ёки бошқа нарчасига ҳажм жиҳатдан катта бўлмаган трекер (инглизча “totrack” изига тушмоқ, орқасидан пойлаб бормоқ) GPS (электрон соатга ўхшаш) ўрнатилиши мумкин.

Масалан, Яккасарой туманидаги 89-сонли умумтаълим мактабида ўқувчи болаларнинг кириш ва чиқишини электрон тартибда назорат қилиниши жорий қилинган. Ушбу ижобий тажрибани республика миқёсида жорий этиш лозим. Мазкур тадбирни амалга ошириш учун мактабда телефон компанияси томонидан электрон қурилма ўрнатилди ва бола тўғрисидаги маълумотлар базага киритилди. Боланинг қўлига электрон пластик кар-

та берилади ва у мактабга келганда пластик картани электрон курилмага ишлатади ҳамда ота-онасининг қўл телефонига боласи мактабга келганлиги тўғрисидаги хабар электрон ёзув sms шаклида боради. Бу билан ота-она боласининг мактабга келган ва кетган вақтларини билади.

4.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тиббиёт идоралари ва бошқа мутасадди идора ходимлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан биргаликда аҳоли орасида бола савдоси, унинг оқибатида кириб келаётган турли хил касалликлар, оилавий муносабатларга салбий таъсири ва шу каби муҳим масалалар юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларининг мунтазам олиб борилаётганлиги ҳам аҳоли ҳуқуқий саводхонлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Болалар савдосига қарши кураш, унинг олдини олишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосан тузилган Хотин-қизлар ташкилотининг ўрни бекиёсдир.⁵ Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда хотин-қизлар ташкилоти бошқа мутасадди идора ходимлари, шу жумладан, маҳалла билан бирга, вояга етмаганларнинг профилактикасини кучайтириши, айниқса, қиз болаларнинг ушбу жиноят гирдобига тушиб қолмасликлари чораларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур комиссия содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида, енгил табиатли аёллар измига тушиб қолаётган қизларни аниқлаш ва улар билан тушунтириш ишларини ўтказиш, турли йўллар билан чет давлатга ишлаш учун чиқиб кетмоқчи бўлаётган ёшларни ушбу жиноятнинг аянчли оқибатлари билан таништириши лозим.

5. Бола савдоси жиноятдан жабрланганларнинг моддий таъминоти соҳасида.

Қонунчиликда бола савдосидан жабр кўрган шахслар учун компенсация тўлаш нормалари мав-

жуд эмаслигини инобатга олиб, бола савдосидан жабр кўрганларни реабилитация қилиш бўйича алоҳида одам савдосидан жабрланганлар республика жамғармаси ташкил қилиш лозим.

Жамғарма маблағлари ЖПКнинг 211-моддасига асосан, жиноий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар, суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш учун айбланувчидан ва хайр-эҳсон ва бошқа турдаги қонуний йўллар билан пул ўтказиш орқали шакллантирилади. Бундай норма 2010 йилда БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Намунавий қонуни⁶ ва “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи “Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги Протоколида белгиланган. Бугунги кунда бундай амалиёт Озарбайжон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилган. Бундан кўзланган мақсад, агарда жабрланувчига етказилган моддий, маънавий ва мулкий зарарни қоплаш учун айбланувчининг маблағи етарли бўлмаган тақдирда ёки зарарни ундиришнинг иложи бўлмаган бошқа ҳолатларда, жабрланувчига ушбу жамғармадан компенсация пулларини олиш имконияти юзага келади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, болалар савдоси оқибатлари уларнинг соғлиғи ва ривожланишига бевосита таъсир қилиб, болаларнинг бошқа инсонларга ишончининг йўқотиши эҳтимоли жуда катта бўлади. Кенгроқ маънода айтадиган бўлсак, зўравонлик болаларда шахсий ривожланиш ва ҳаётда муваффақият қозониш салоҳиятини тўхтатиб қўйиши ва бутун жамият учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қолаверса, ушбу иллатнинг олдини олишга фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўли билан эришишни асло унутмаслигимиз лозим.



¹ Полянская Е.М. Проблемы предупреждения использования рабского труда и торговли людьми: Автореф. дис... канд. юрид. наук. М., 2014-ст 3.

² Рустамов М. Адвокатское бюро “Konstant-Mas” //Адвокат, 2014, № 4.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Ҳ.Қодиров умумий тахрири остида Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги Тошкент-Ўзбекистон-2013 й

⁴ <http://www.imenno.ru/2014/04/08/146403/>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони оид чиқарилган ҳужжатлар тўплами. –Т.: “IKAR-MAIK”. 2004. –Б.23-31.

⁶ www.UN.org

Нозим РАЙИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- ◆ Мақола кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилишга бағишланган, шунингдек, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти ёритилган.
- ◆ Статья посвящена защите прав и законных интересов субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, а также освещает значение проводимых реформ по поддержке их деятельности.
- ◆ Article is devoted to protecting the rights and legitimate interests of small businesses and private entrepreneurship, as well as highlights the importance of reforms to support their activities.

Таянч сўзлар: Тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолият, ҳуқуқий ҳимоя, қонуний манфаат.

Ключевые слова: Предпринимательство, предпринимательская деятельность, правовая защита, законный интерес.

Key words: Entrepreneurship, entrepreneurial activity, legal protection, a legitimate interest.

Мустақил Ўзбекистонимизда кўп қиррали иқтисодий тараккий эттириш, инсон, унинг манфаатлари ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилиш, жамият ривожини тўлақонли таъминлаш асослари дастлаб Конституциямизда ўз аксини топди.

Бош Қонунимизнинг XII боби жамиятимизнинг иқтисодий негизига бағишланган бўлиб, 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши белгилаб қўйилди¹.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрдаги XI сессиясидаги нутқларида “ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш лозим”²лигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Конституциявий асосдан келиб чиқиб мамла-

катда ислохотлар давомида тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва ҳуқуқат қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, мустақилликнинг илк даврида 1991 йилда “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлар тўғрисида”, кейинчилик 1993 йилда “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундирилдиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”, 1995 йилда “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”, 1999 йилда “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ва ниҳоят 2000 йилда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди.

Ушбу қонунлар жамиятимизнинг ривожланиши билан биргаликда бири иккинчисини бекор қилиб, такомиллашиб борди ва 2012 йил 2 майдаги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни юқорида бекор қилинган барча қонунларнинг энг керакли мазмунини ўзида мужассам этди.

Мамлакатдаги асосий вазифалардан бири бўлган юридик тенг тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни

тартибга соладиган Фуқаролик, Хўжалик-процессуал кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Қонунларимизни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш жараёнида турли мулк шакллари ни тараққий эттириш билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу борада дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор қуйидаги сабабларга кўра кичик тадбиркорлик фаолияти салмоқли афзалликларга эгаллиги соҳани кенг ривожлантиришга кўпроқ туртки бўлди:

— бозордаги талабга тез мослаша бориб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти;

— нисбатан қисқа муддатларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва хизматларга бўлган талабни қондира олиши;

— дастлабки сармоя ҳажмининг нисбатан камлиги;

— тез орада янги ишчи ўринлари барпо этиш ва бандлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш имкониятлари;

— бизнес эгаси (тадбиркор)нинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги бевосита иштироки;

— жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилиятининг анча юқорилиги.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг манфаатли хусусиятлари ҳамюртларимиз Г.Саидова ва бошқалар томонидан эълон қилинган “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза”да қуйидагича ёритилган:

— кичик тадбиркорлик — аҳолини талаб қисми учун меҳнатини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаи, етарли малака ва тажрибаси бўлмаган, эгилувчан жадвални иш кунини истаган аксарият меҳнат ресурсларини машғул этувчи меҳнат бозорининг энг мослашув қисми. Аёллар, илк бор иш қидираётган ёшлар, маълумоти ва меҳнат тажрибаси юқори даражада бўлмаган шахслар кўпинча фақат шу ердан иш топишлари мумкин. Бу жабҳада машғул кишиларнинг аксарият қисми учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам асосий даромад манбаи бўлиши кичик бизнес миллий фаровонликнинг ўсиши учун муҳим омилга айланганидан далолат беради;

— кичик тадбиркорлик аҳоли орасида иш юриши ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, унинг бозор муносабатларига мослашганлик даражасини оширишда потенциал самарали воситадир. У фуқароларга нафақат ўз ишчи кучи, балки ўз мулки, жумладан, ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулк эгаси бўлишига имкон яратиш, ўрта синф жамиятнинг прогрессив тараққи-

ётини таъминлашга қодир, демократия ва ижтимоий барқарорликдан манфаатдор ижтимоий қатламнинг шаклланиши учун асос яратади;

— кичик тадбиркорлик бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. У истеъмол талабининг ўзгаришларига ҳаммадан тез мослашади, иқтисодий вазиятнинг тебранишларига мувофиқ тарзда ўз фаолияти ихтисосини тез ва нисбатан асоратсиз ўзгартира олади;

— кичик тадбиркорлик иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини яхшилайдиган³.

Ё.Абдуллаев ва Ф.Каримов томонидан чоп этилган “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари” китобида юқоридагилардан ташқари кичик тадбиркорликнинг ҳаракат эркинлиги, яъни юқорига бўйсиниш деган гап йўқлиги, бу эса ташаббускор ва ҳаракатчан тадбиркорларга катта имкониятлар бериши ҳам эътироф этилган⁴.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Европа Ҳамжамиятининг Германия, Италия, Дания ва бошқа ривожланган давлатларида кичик тадбиркорликнинг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши 65-70 фоиз ва ундан ҳам юқори⁵.

Республика иқтисодиётида кичик тадбиркорликнинг улкан позитив имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда Президентнинг қатор Фармонлари ва ҳукуматнинг тегишли қарорларида кичик тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тартибқоидалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2012 йил 14 сентябрда “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқларида “20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этиши, ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келганлиги”ни эътироф этдилар⁶.

Мамлакат иқтисодиётида кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур фармон даставвал кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусий сектор улушини ошириш, аҳоли бандлигини тўлароқ таъ-

минлашга аҳамиятли хизмат кўрсатиши билан бирга, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасини қуйидагича аниқ белгилаб берди⁷:

якка тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда йигирма нафардан, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — ўн нафардан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — беш нафардан ошмайдиган ишчи ходимларга эга бўлган микрофирмалар;

қуйидаги соҳаларда йилига ўрта ҳисобда иш билан банд бўлган:

енгил, озик-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатида — икки юз нафардан;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида — юз нафардан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш — саноат соҳасида — эллик нафардан;

илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — йигирма беш нафардан ошмайдиган ходимга эга бўлган кичик корхоналар.

Юқорида баён этилган тоифалар доирасида кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ташкил этилган, статистикаси юритилиб келинмоқда.

Эътиборлиси шундаки, қонунчиликда тадбиркорлар манфаатидан келиб чиқиб кичик корхоналар тоифасига кирувчи юридик шахсларнинг доираси кенгайиб бормоқда, натижада айрим юридик шахслар кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига ўтказилди ва тегишли бизнес учун қулай имкониятларни қўлга киритди.

Масалан, Президентнинг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иклими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан юқорида қайд этилган 09.04.1998 йилги ПФ-1987-сонли Фармонига тузатишлар киритилиб енгил, озик-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноати соҳаларида йилига ўрта ҳисобда иш билан банд бўлган 100 нафардан кўп бўлмаган кичик корхоналарда ишловчилар сони 200 нафарга кўпайтирилди ва ушбу тоифага кирувчи корхоналар ҳам кичик корхоналар қаторига ўтказилди.

Халқаро амалиёт кўрсатганидек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг мураккаблиги тадбиркорларнинг ишчанлик муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш,

улар фаолиятини таъминлаш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича давлат функциясининг самарадорлиги, энг аввало, рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилганлигига боғлиқдир.

Тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиш қанчалик қийин бўлса, шунчалик озчилик расмий равишда тадбиркорлик фаолиятини юритишга интилади ёхуд тадбиркорлик фаолиятини юритмайди ёки нолегал фаолият юритади.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича ислохотларни амалга оширишда рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида маъмурий тўсиқлар ва сансалорликларни камайитиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада 2001 йилнинг ўзидаёқ республикада тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» принципи бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш жорий этилди. Кейинчалик ушбу тартиб-қоидалар 2003 йилда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир пайтда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тизимининг йўлга қўйилиши билан янада такомиллашди⁸.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357-сонли Қарори тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашда алоҳида ўрин эгаллади.

Ушбу қарор билан тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилди, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурда Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари доирасида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик фаолиятини қонунда белгиланган тартибда чеклаш маъмурий органлардан одил судлов ваколатига ўтказилди, тадбиркорликка тўсқинлик қилганлик, фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун назорат органлари ходимларининг масъулияти оширилди, қонунчиликда маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи кучайтирилди.

Соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назоратни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлда “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Бош прокуратурада Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси ташкил этилди ва унинг асосий вазифаларидан бири, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш этиб белгиланди.

Ушбу соҳада самарали назоратни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли соҳавий буйруғи қабул қилиниб, мазкур буйруқ билан таъсирчан назоратни ташкил этиш механизми яратилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танлов асосида эмас, балки доимий тизимли ўрганиб бориш тартиби ўрнатилди. Ушбу тизим ўз вақтида тадбиркорларнинг манфаатларини ноқонуний чеклаш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва самарали ҳуқуқий таъсир ўтказиш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини тезкор ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган “Ишонч телефони” алоҳида аҳамият касб этди. Ўтган давр (2013 йил ва 2014 йилнинг 8 оyi) давомида тадбиркорларнинг 3 мингдан ортиқ мурожаатлари кўриб чиқилиб, уларнинг 76 фоизи ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, айрим муаммолар туфайли

тўсиқларга дуч келган 10 мингдан ортиқ шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтишига амалий ёрдамлар кўрсатилиб, салкам 8300 та янги иш ўрни яратилди⁹.

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан иқтисодий демократлаштириш ва эркинлаштириш асосида кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ҳам шиддат билан такомиллашиб бормоқда.

Кейинги йилларда тадбиркорликка рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 таси ёки 25 фоизи бекор қилинди, давлат органларига тақдим этиладиган статистика, солиқ ва молия ҳисоботларининг шакли ва даврийлиги 1,5-2 марта камайтирилди¹⁰.

Биргина 2014 йилнинг биринчи чорагида 227,9 мингта янги иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг 145 мингтасидан зиёди 63 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси зиммасига тўғри келди¹¹.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, эркин фаолият юритиш учун авваламбор, уларнинг ҳуқуқий асослари, фаолият кўрсатиш ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари пухта ўйланган ҳолда, миллий шароитлардан келиб чиқиб яратилди ҳамда босқичма-босқич такомиллаштирилиб, бизнес учун эвалюцион йўл билан қулай шароит яратилиб борилмоқда.



¹ ЎзР.нинг Конституцияси, Тошкент – “ЎЗБЕКИСТОН” НМИУ, 2014.

² Каримов И.А. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. Тошкент; “Ўзбекистон” 1992.

³ Саидова Г. ва бошқ. “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза”, Ўзбекистон, 2000.

⁴ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”, “Меҳнат”, 2000. 89-бет.

⁵ “Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари”, Тошкент: ЕХ ТЕМПУС дастури “Матадор-2000” лойиҳаси, 2004. 5-бет.

⁶ Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти тўғрисидаги маъруза”, 14.09.2012 й. <http://uz.uz/politics/>.

⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (ЛСА) ©, “Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма”. «Sharq», 2011 й. 27-бет.

⁹ Бош прокурор Қодиров Р.Х. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг ўн иккинчи йиғилишидаги маърузаси, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари “Ахборотномаси” махсус сони, 5-бет.

¹⁰ Каримов И.А. ЎзР. Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси, 06.12.2014 й., №237 (6167), 3-бет.

¹¹ ЎзР. Иқтисодий вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг “ЎзР.сини 2014 йилнинг I чораги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида”ги мақоласидан, “Халқ сўзи” газетаси, 25.04.2014, №80 (6010), 2-бет.

Нилуфар МИРАҲМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

◆ Мақолада фуқаролик судлари томонидан ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш ва мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.

◆ В статье проанализированы вопросы повышения эффективности участия прокурора при рассмотрении гражданских дел в судах, а также совершенствованию законодательства в этой сфере.

◆ The article contains analysis of the issues aimed at increasing effective participation of the prosecutor in the trial of civil cases and further improvement of legislation in this area.

Таянч сўзлар: фуқаро, прокурор, фуқаролик суди, кодекс, даъво ариза.

Ключевые слова: гражданин, прокурор, гражданский суд, кодекс, исковое заявление.

Key words: citizen, prosecutor, civil court, code, declaration.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатлиги мустаҳкамлаб қўйилган.¹ Прокуратура органлари зиммасига юклатилган мазкур вазифаларни амалга оширишда судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш каби функциялардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Судларда фуқаролик ишларини кўришда прокурор иштирокининг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 22-сонли

бўйруғида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда прокурор ваколатини малакали таъминлаш, судларнинг қонунга зид бўлган қарорлари устидан протест келтириш бу соҳадаги прокурор фаолиятининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланган.²

Дарҳақиқат, фуқаролик суд ишларини юришда процесснинг бошқа иштирокчилари каби прокурорнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, жамиятимизда турли хил ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши натижаси ўлароқ, фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган мурожаатларнинг кўплиги, суд амалиётида турли хил, янги ва бирмунча мурракаб бўлган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг кўпайиб бораётганлиги, бунинг натижасида фуқаролик ишлари бўйича судьялар иш юктамаларининг ортиб бораётганлиги фуқаролик процессида прокурор иштирокининг долзарб аҳамият касб этишини белгилаб

берди. Тахлилий маълумотларга кўра, 2014 йилда судларда кўрилган фуқаролик ишлари сони 2013 йилга нисбатан бирмунча кўпайган. Жумладан, биринчи инстанция судлари томонидан жами 209 129 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, шундан 121 799 тасида ёки 58 фоизда прокурор иштироки таъминланган. Апелляция тартибида 1075 та, кассация тартибида 1555 та, назорат тартибида 274 та асоссиз суд қарорларига нисбатан прокурорлар томонидан протестлар келтирилган.

Суд қарорларига протест келтириш самарадорлиги апелляция инстанциясида 95 фоизни, кассация инстанциясида 97 фоизни ҳамда назорат инстанциясида 47 фоизни ташкил этиб, бу борада иш самарадорлиги ошишига эришилди. Энг асосийси, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилди.³

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида, яъни мамлакатда бозор муносабатларини тартибга солишнинг муҳим ҳуқуқий асослари, фуқаролар ва хўжалик субъектларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш институти ривожланаётган бугунги кунда прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштирокини тартибга солиш, унинг ваколатларини аниқлаштириш тақозо этилмоқда. Айниқса, бу борада ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳамда мамлакатимиз қонунчилигига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этувчи масалалардан ҳисобланади.

Хорижий давлатлар қонунчилигининг ривожланиш тенденциялари, миллий қонунчилик амалиёти ҳамда юридик адабиётларда олимлар томонидан билдирилаётган фикрлар таҳлили шундан далолат берадики, фуқаролик процессида прокурорнинг ўрни ва унинг процессуал ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаб қўйиш тақозо этилади. Айниқса, прокурор томонидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш жараёнида кўплаб баҳс-мунозаралар билдирилади. Хусусан, ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, прокурорнинг судда фуқаролик ишларини кўзғатиш бўйича ваколатлари доирасининг белгиланмаслиги судда ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш ҳолатларининг кўпайишига, суд процессларида тарафлар фойдаланадиган ҳуқуқ принципларининг у ёки бу даражада чекланишига олиб келиши мумкин.⁴ Бошқа бир олим Б.В.Кравцов ҳам фуқаролик иш-

ларини кўзғатиш бўйича прокурор ишларини яхши йўлга қўйиш, ўз фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтиришни таъминлаш учун унинг судда қандай тоифадаги ишларни кўзғатишга ваколатли бўлиши ҳақидаги қоида қонунчиликка киритилиши ҳақидаги фикрни илгари сурган.⁵ Аммо баъзи олимлар юқоридаги фикрлардан фарқли ўлароқ, прокурор ҳар доим фуқаролик ишини кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлиши ва бу прокурор ваколатининг ажралмас элементи эканлигини билдиради.⁶ А.Ю.Рожков фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурорнинг роли ва процессуал ҳуқуқий ҳолати етарлича аниқ белгилаб берилмаганлигини, ваҳоланки, ушбу муаммонинг ҳал этилиши нафақат назарий аҳамият касб этишини, балки фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий табиатини тўғри тушунишга, унинг процесснинг бошқа иштирокчилари билан бўладиган ўзаро муносабатлари характерини ҳамда процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмунини аниқлашга хизмат қилишини баён этади.⁷

Айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида прокурорнинг фуқаролик процесси ва хўжалик процессидаги иштироки, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий фаолият соҳасида прокурор функцияларини чеклаш тенденцияси кузатилади. Хусусан, Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддасида, агар фуқаро соғлиги, ёши, муомалага лаёқатсизлиги ва бошқа узрли сабабларга кўра, судга ўзи шахсан мурожаат қила олмасагина ариза прокурор томонидан тақдим этилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган.⁸ Шу ўринда россиялик ҳуқуқшунос олимлар мазкур қоидани шарҳлаб, «Фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги прокурор аризасида фуқаронинг ўзи судга мурожаат қила олмаслигини асословчи ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим. Кодексда фуқаронинг судга шахсан ўзи мурожаат қила олмаслигининг узрли сабаблари белгиланган рўйхатнинг мавжуд эмаслиги прокурорнинг даъво аризасини тайёрлаш жараёнида қонуннинг юқоридаги талабларини бажариш мажбуриятдан озод қилмайди. Мазкур ҳолатларнинг узрли ёки узрсиз эканлигини баҳолаш ҳуқуқи судларга берилган бўлиб, прокурор томонидан қонуннинг ушбу талабига риоя қилмаслик унинг аризаси суд томонидан ҳаракатсиз қолдирилишига олиб келади», деб таъкидлайдилар.⁹

Бироқ, Россия Федерацияси ФПКни ривож-

лантиришнинг кейинги босқичларида ушбу чекловларга қайси ҳолатларда йўл қўйилмаслиги ҳақида норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддасига 2009 йилнинг 5 апрелида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан юқоридаги чекловлар фуқаро ўзининг бузилган ёки низолашилаётган меҳнат (хизмат) муносабатлари ва бевосита у билан боғлиқ муносабатлар соҳасидаги ижтимоий ҳуқуқларини; оилани, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш; ижтимоий ҳимоя, шу жумладан, ижтимоий таъминот, давлат ва муниципал уй-жой фондларида тураржойга нисбатан бўлган ҳуқуқларини таъминлаш; соғлиқни сақлаш, шу жумладан, тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи; қулай атроф таббий муҳитга бўлган ҳуқуқи; таълим олишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида қилган мурожаатига асосланиб киритилган прокурорнинг аризасига нисбатан татбиқ этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.¹⁰ Худди шунга ўхшаш норма кейинчалик, аниқроғи 2009 йил 10 декабрдаги ўзгартиш ва қўшимчалар билан Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 55-моддасига ҳам киритилган.¹¹

Ҳуқуқшунос олим И.М.Байкиннинг фикрича, фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган ушбу янгилик мўайян тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш борасида прокурор ваколатларини аниқлаштиришга хизмат қилади.¹²

Кўриб турганимиздек, қонунчилик фуқаронинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг судга мурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини чеклаш баробарида фуқароларнинг айрим ижтимоий соҳадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишида имкониятлар яратмоқда.

Ундан ташқари, прокурор фуқаролик процессида давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, судга мурожаат қилишга ҳақли бўлиши аксарият хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасида ўз ифодасини топган. Масалан, Молдова Республикаси ФПКнинг 71-моддасида прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин бўлган фуқаролик ишларининг рўйхати белгиланган бўлиб, ушу рўйхатга давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишни талаб этадиган ишлар киритилган. Унга кўра, прокурор:

- а) бюджетни шакллантириш ва ижро этиш;
- б) давлат эгалигида бўлган мутлақ мулкни ҳимоя қилиш;

в) давлат манфаатларини чеклашга қаратилган шартномаларни бекор қилиш;

г) устав капиталида давлат ҳиссаси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига пул суммаларини ундириш;

д) давлат органлари, бошқа органлар, давлат хизматчилари томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунга мувофиқ ҳақиқий эмас деб топиш;

е) ноқонуний эгалланган мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш;

ж) белгиланган тартибни бузган ҳолда ташкил этилган юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилиш, шунингдек, ноқонуний фойда олган юридик шахсларни тугатиш;

и) атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш каби ишларни кўзғатишга ҳақли бўлади.¹³

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини тартибга солувчи мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги таҳлили шунга кўрсатадики, юқоридаги қоидалардан фарқли равишда прокурор бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар қандай ҳолатда ҳам судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин (ФПКнинг 46-моддаси). Лекин 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасида фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этиши ва судда қувватлаши белгиланган. Қолаверса, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексига 2000 йил 14 декабрда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар орқали “прокурорнинг хулосаси” сўзи “прокурор фикри” деб ўзгартирилди. Эндиликда прокурор фуқаролик процессида иштирок этар экан, фуқаролик иши юзасидан ёзма ва оғзаки хулоса эмас, балки ўз фикрини баён этиши белгиланди. Шунингдек, ФПКнинг 352-моддасига киритилган ўзгартиш билан назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурор ва унинг ўринбосарлари суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлмасликлари белгиланди.

Шу ўринда ҳуқуқшунос олим А.Ю.Рожков фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг судга мурожаат қилиш борасида қонунчиликда назарда тутилган чекловларнинг аҳамияти ҳақида тўхта-

лар экан, прокурорнинг судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши борасида ҳаддан ташқари кенг асосларнинг белгиланиши фуқаролик суд ишларини юритишнинг муҳим принципларидан бири бўлмиш тарафларнинг эркин ҳуқуқлилик, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципларининг бузилишига олиб келиши мумкин, деб таъкидлайди.¹⁴ Олимнинг мазкур фикри фуқаролик процессида прокурор иштирокини имкон қадар камайтиришни назарда тутди. Аммо, фуқаролик ишлари кўрилишида прокурорнинг иштирок этиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси янада мустаҳкамланишига

имкон беради.

Хулоса шуки, юқорида қайд этилган хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини ҳамда жамиятимизда турли хил ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши натижасида фуқаролик судларига келиб тушаётган мурожаатлар сонининг ортиб бораётганлигини, қолаверса, фуқаролик процессида бепул юридик ёрдам кўрсатиш институтининг мавжуд эмаслигини инобатга олиб, фуқаролик ишлари бўйича прокурор ваколатини таъминлашга оид хорижий мамлакатлар тажрибаси ва миллий амалиётни ўрганган ҳолда қонунчилигимиз янада такомиллаштирилиши лозим.



¹ Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2001 йил 29 август

² Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами (2006 йил 5 апрелгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. 2006. – Б. 295-296.

³ Норов Б. Самардорлик ошмоқда. // Нуқуқ. 2015 йил 29 январь, № 4 (941).

⁴ Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик-процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф. Ш.Ш.Шорахметов тахрири остида. –Т.: АҚҲМИ. - 2008. – 16 б.

⁵ Кравцов Б.В. Предъявление прокурорами исков — важная форма защиты прав и интересов граждан // Сов. государство и право, 1966. № 1. -С. –67-68.

⁶ Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. –М.: МГУ, 1991. -91 с.

⁷ Рожков А.Ю. Необходимость и целесообразность участия прокурора в гражданском и арбитражном процессе // Вестник Воронежского института МВД России, №2, 2014. -58 с.

⁸ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 №138-ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 18.11.2002, №46, ст. 4532.

⁹ Тихонова Ю.В. К вопросу о процессуальном положении прокурора как участника гражданского процесса // Юридический аналитический журнал. 2003. № 2. -84 с.; Садовщикова А.И. Участие прокурора в гражданском процессе, для защиты прав и интересов других лиц // Право: Теория и Практика. 2003, № 4.; Ярыгин А.Ю. К вопросу о правовых возможностях прокурора в гражданском судопроизводстве. // Ж. “Право: Теория и Практика” 2003. № 16.

¹⁰ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 №138-ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 18.11.2002, №46, ст. 4532.

¹¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

¹² Байкин И.М. Вопросы ограниченного участия прокурора в гражданском процессе // Арбитражный и гражданский процесс. -2008. № 10. –С. 20-23.

¹³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Молдова. N 225-хв от 30.05.2003.

¹⁴ Рожков А.Ю. Необходимость и целесообразность участия прокурора в гражданском и арбитражном процессе // Вестник Воронежского института МВД России, №2, 2014. -58 с.

Иномиддин ИМОМОВ,
Тошкент Давлат юридик университети
Тил ўргатиш маркази катта ўқитувчиси

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ЯНГИ ЮТУҚЛАР КАФОЛАТИ

◆ Мақола таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган. Унда Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш масаласи, соҳадаги мавжуд камчиликлар ҳамда истиқбол режалари ёритилган.

◆ Статья посвящена реформам в сфере образования. В ней раскрываются недостатки и будущие планы обучения по изучению иностранных языков в Республике Узбекистана.

◆ Article is devoted to the reforms carrying out in the sphere of education, and it includes the problems, lacks and plans of teaching and learning foreign language in the Republic of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: чет тили, ўрганиш, ўргатиш, технология, таълим, тарбия, тизим, жараён, такомиллаштириш.

Ключевые слова: иностранный язык, обучение, изучение, технология, образование, воспитание, система, процесс, развитие.

Keywords: foreign language, teaching, learning, technology, education, upbringing, system, process, developing.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги кунни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг ривожланган мамлакатлар андозасига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган беқиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам айнан мана шу эзгу мақсад мужассам. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадимиз, мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам, буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Узоқни кўзлаб айтилган бу сўзлар истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини яққол ифодалайди.

Ўзбекистондаги том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасидаги исло-

ҳотларнинг юксак самараси бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Хусусан, 2012 йил 17 февраль кунни Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган ёш авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзuidaги халқаро конференция ҳам узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланганлиги албатта бежиз эмас.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустақам пойдеворига айланиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак самара ва натижалар яққол намоён этмоқда.

Бу борада МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб қабул қилинган таълим тизимининг мустақам ҳуқуқий асосларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юқори малакали, хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш вазифаси асосий мақсад қилиб қўйилди. Мазкур дастурнинг мантикий давоми сифатида Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида эса синфхоналар ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди, электрон ўқув-услубий мажмуалар яратилди, мавжуд моддий-техника базасидан ва ахборот-ресурс марказлари фондидан кенг фойдаланишга имкон берувчи тизим яратилди.

Бугунги кунда хорижий тилни билиш ўта муҳим аҳамият касб этганлиги боис, чет тилларни ўргатиш тизимини ҳам ислоҳ этиш, дарс жараёнларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишнинг илғор усулларини қўллаш таълимдаги долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, жамият тараққиётида хорижий тиллар тобора юксак аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир фуқаро камида битта хорижий тилни билиши замон талабига айланиб бормоқда. Сабаби, жаҳон миқёсида глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари, техник тараққиёт, турли миллат ва элатларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалар бўйича яқин ҳамкорлиги, бирлашиши рўй бермоқда. Шунингдек, жонажон Ватанимизнинг дунё майдонида тараққийпарвар давлат сифатида танилиб, ўз мавқеи ва ўрнига эга эканлиги ҳам, айниқса, истиқболимиз эгалари, ёшларимиздан хориж тилларини мукаммал билишни тақозо этади.

Республикамиз Президенти томонидан 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори чет тили таълимини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни замон талабларига мос етук мутахассис этиб тайёрлаш каби буюк мақсадлардан иборат.

Ушбу қарорнинг аҳамиятли жиҳатлари шундаки, таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, ўсиб кела-

ётган ёш авлоднинг чет тилларга қизиқишини янада ошириш ва ўз навбатида, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, шу билан бир қаторда, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шароит ва имкониятлар яратиш кўзда тутилган.

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб, республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан босқичма-босқич ўргатилиши белгиланганлиги хорижий тилни мукаммал ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қарор фарзандларимиз келажакда замонавий фан-техника ютуқларини янада мукаммал ўрганиб, халқаро даражадаги юксак кадр бўлиб етишиши ва мустақил Ўзбекистоннинг янада ривожланишига замин яратиши шубҳасиз. Шунингдек, 2013 йилнинг 1 мартигача бўлган муддатда ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартларини тасдиқлаш, умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар таълимини узлуксиз жорий этиш, барча таълим муассасаларининг ўқув дастурлари ва режалари, дарсликлар ишлаб чиқиш, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро эксперт ва мутахассисларни жалб этиш ҳақидаги Юртбошимизнинг қимматли таклифлари ёш авлоднинг таълим-тарбияси, ёруғ истиқболи йўлидаги ғамхўрликнинг яна бир тасдиғидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ўз навбатида тегишли давлат органлари, шулар жумласидан, Адлия вазирлиги ҳамда барча таълим муассасалари ва чет тили ўқитувчилари зиммасига ёш авлодни мустақил давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширувчи салоҳият ва билим эгалари қилиб тарбиялашдек юксак вазифалар юклайди.

Шу нуқтаи назардан, мазкур қарор Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари жамоаси томонидан катта масъулият ва эътибор билан кутиб олинди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ТДЮУ фаолиятининг тубдан яхшиланиши, унинг соҳа бўйича республикадаги чинакам таянч олийгоҳига айланишида Республикаимиз Президентининг 2001 йилда Олий Мажлис Иккинчи чақириқ V сессиясидаги «Адолат — қонун устуворлигида» маърузасида билдирган амалий кўрсатма ва фикрлари муҳим аҳамият

касб этди. Юртбошимизнинг университет фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар сифати ва салоҳиятини ошириш юзасидан берган қимматли тавсиялари асосида ТДЮУ нафақат таълим йўналишидаги, балки ҳуқуқшунос ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, фуқароларимиз учун ҳуқуқий маслаҳат ва тарғибот ҳамда ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган салоҳияти юксак илмий ва ташкилий марказга айланди.

«Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорда 2013-2016 йилларда ҳам шундай аниқ мақсадли ишларни давом эттириш истагида таълим муассасаларида хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқиш талаби илгари сурилган. Албатта, ўқув хоналарида зарурий техник жиҳозларнинг мавжуд бўлиши ўқувчи ва талаба-ёшларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишларининг янада ортиши, ўзга тил унсурлари билан танишишлари, уни тез ва сифатли эгаллашлари учун хизмат қиладди.

Шунингдек, қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизда уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Олий ўқув юртларида, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича чет тилларни ўқитишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари, дарсликларни ишлаб чиқиш;

- халқаро эътироф этилган стандартлар талабларига мувофиқ, чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- ўрганувчиларни чет тилни билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш бўйича тўлов асосида тест ўтказиш (жумладан, интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини беришни ташкил этиш;

- 2013-2016 йилларда таълим муассасалари хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник во-

ситалари ва анжомлари билан (қўшимча жиҳозлаш) жиҳозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқиш;

- инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газета ва журналларни чоп этиш кабилар.

Университетимизда хорижий тилни ўқитиш ва ўргатишга жиддий эътибор қаратилади. Талабаларимиз хорижий тил бўйича турли халқаро ва республика миқёсидаги танловларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муяссар бўлмоқда. Ҳуқуқшунослар касбий фаолиятида турли воқеалар, турли вазиятларга, турли соҳадаги касб эгаларига дуч келади. Уларни адолатли ва оқилона ҳал этиш учун ҳар бир юрист соҳавий чуқур билим, пухта шаклланган кўникма ва малакаларга эга бўлиши ва албатта, энг камида иккита чет тилини билиши мақсадга мувофиқдир.

Университетда хорижий тилларни ўқитиш ва ўрганиш бўйича эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд. Уларни бартараф этиш учун ҳамда «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Қарорини тўлиқ, сифатли, ўз вақтида бажариш учун вазифалар белгилаб олинди ва уларни бажариш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, хорижий тилни ўрганиш ҳар томонлама етук комил инсон таълим-тарбиясининг ажралмас қисмидир. Ҳар қандай етук мутахассис касбий фаолиятида хорижий тилдан турли мақсадларда, яъни ўз соҳаси бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишда, расмий ва норасмий учрашувларда, чет элга сафари чоғида, халқаро конференция ва йиғилишларда, халқаро ташкилотлар ва ҳамкорлик корхоналари билан иш олиб борганда, расмий ва норасмий ёзишмаларда, Интернет маълумотларидан фойдаланганда, хорижий тилларда битилган соҳавий адабиётларни ўқиганида фойдаланиши мумкин. Бунда чет тиллардан бирини билиши, айниқса, ҳозирги кунда дунё тилига айланган инглиз тилини билиши мақсадга мувофиқдир.

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори республикаимизда чет тилларни ўргатишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замон билан ҳамнафас фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республикаимизнинг жаҳонга интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратишга асос бўлиб хизмат қиладди.

2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник во-

ситалари ва анжомлари билан жиҳозлашнинг жадаллаштирилиши, шунингдек, телевидение, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали бола-лар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илм-фани ва техникаси янгиликларига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатишни амалга ошириш, «ZiyoNet» тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини орттириш, инглиз тилида ўқув ва бадий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газета ва журналларни чоп этишни ташкил этиш каби жиҳатларнинг ушбу қарорда акс этиши мамлакатимиз ёшларига дунё халқлари тарихи, маданияти, илм-фани билан яқиндан танишиш имконини бериш билан бир қаторда, ўз тарихимизни, маданиятимизни ва ютуқларимизни ҳам намоён этиш имконини беради.

Баркамол авлод таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган тил ҳақида гап кетганда,

буюк аجدодларимизнинг дунёни лол қолдирган салоҳияти, билим ва тафаккурлари ҳақида эслаб ўтмай илож йўқ. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Ибн Сино қадимги форс, араб ва туркий тиллар каби 30дан ортиқ тилда бемалол мулоқот қила олган. Жалолiddин Румий, Ал-Фаробий, Ал-Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Алишер Навоий каби алломаларимиз кўпгина тилларда ижод қилганлар. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур қайси давлатни забт этса, ўша ерлик маҳаллий аҳолининг тили, дини, маданияти ва урф-одатларини тўлиқ ўзлаштириб олишга эришган ва шу орқали ўша ерлик аҳолининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган.

Ушбу қарор мустақил юртимиз фарзандлари юксак савияли, билимдон, тиришқоқ, фидойи, меҳнатсевар ва ватанпарвар инсон бўлиб етишишлари учун улкан имкониятлар эшигини очиб беришига шубҳа йўқ. Буюк аجدодлар вориси бўлган бугунги кун ёшлари бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳаётда муносиб ўринларга эга бўлишлари ва Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонамиз.



Абдуқаҳҳор МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари тингловчиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақола вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик базасини ривожлантириш масалаларига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена вопросам развития законодательной базы, направленной на защиту прав и законных интересов несовершеннолетних.
- ◆ The article is devoted to the development of legal basis aimed at protection of the rights and legitimate interests of minors.

Таянч сўзлар: вояга етмаганлар ҳуқуқлари, қонун, конвенция.

Ключевые слова: права несовершеннолетних, закон, конвенция.

Key words: minority rights, law, convention.

Республикамызда келажакнинг пойдевори бўлган болалар ва ёшларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг комил инсон сифатида камол топишига замин яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳамда мавжуд ҳуқуқий тизимнинг янада такомиллаштирилаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Республикамызда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарзда вояга етказиш мақсадида уларнинг ижтимоий ҳуқуқлари сифатида меҳнат муносабатларига киришиши Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига кафолатлаб қўйилди. Вояга етмаганлар меҳнат бозорида иш топишда ёрдамга муҳтож гуруҳга киритилиб, уларга иш билан таъминланишида бир қатор имтиёзли ҳуқуқлар белгиланди.

Бундай ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатлар давлат томонидан, шу билан бирга, халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тақдим этилади. Шу нуқтаи назардан ҳам, жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган, муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам

муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларга тақдим этилаётган халқаро ҳуқуқий асос ва механизмларни ўз ичига қамраб олган алоҳида "Бола ҳуқуқлари" соҳаси шаклланди.

Ўзбекистон Республикасида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенция талабларини бажариш мақсадида 2008 йил 7 январда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун болаларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла кафолатлашга хизмат қилиш билан бир қаторда, болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида барҳам бериш чораларини ҳам белгилаб берди. Ушбу қонун "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция асосида яратилиб, вояга етмаганларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини тўла кафолатлашга хизмат қилади. Жумладан, қонуннинг 20-моддасида болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари ва меҳнат муносабатларига киришишида катталарга нисбатан имтиёзли ҳуқуқларга эга эканликларига кафолатлаб берилди.

Вояга етмаганлар қилиши мумкин бўлмаган ишлар рўйхати Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, уларнинг соғлиғига ва жисмоний камол топишига салбий таъсир кўрсатадиган меҳнат фао-

лияти билан шуғулланишлари қатъий ман этилади. Ҳар бир иш берувчи вояга етмаган шахсни ишга қабул қилишда ана шу рўйхатда белгиланган ишларга қўймаслик чорасини кўриши лозим. Бундан ташқари, вояга етмаган шахсларни ўриндошлик асосидаги ишларга қабул қилиш мумкин эмас. Моддий жавобгар шахс сифатида шартнома тузилиши лозим бўлган ишларга вояга етмаган шахсни қабул қилиш ҳамда у билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартнома тузиш ҳам мумкин эмаслиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида қатъий белгилаб қўйилди.

Амалиётда айрим иш берувчилар томонидан вояга етмаганларга нисбатан белгиланган имтиёзли меҳнат ҳуқуқларининг таъминланмаётганлигини кузатиш мумкин. Албатта бундай ҳолларда прокурор назорати таъсир чоралари кўрилиб, қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга тегишлича жавобгарликлар белгиланмоқда.

Юртимизда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда ўсиб келаётган авлод ҳақида қайғуриш ва уларнинг ҳаётини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий дастурлар устуворлигига катта аҳамият берилаяпти.

Давлатимиз томонидан қаровсиз қолган вояга етмаган болаларни тарбиялаш, уларни меҳрибонлик уйларига жойлаштириш ҳамда улар учун оила муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етказиши уларнинг мажбуриятлари эканлиги, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фарзандларини вояга етказиш учун таъминот бериб бориш асосий мажбурияти эканлиги қонунчиликда яна бир бор мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, 2013 йил 1 майда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг вояга етмаганларнинг тарбияси ва камол топишига оид бир қатор тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу қонунга кўра, Оила кодексининг 107-моддасига ўзгартириш киритилиб, вояга етмаган болани ота-онасидан олиш ва уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда суд ота-онанинг ҳар биридан тегишли миқдорда алимент ундиришни ҳал этиши белгиланди. Бунда ундирилган алиментлар мазкур бола номига очилган банк ҳисобварағига жамланиши ва у вояга етганда тўланиши белгилаб қўйилди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қаровсиз қолган вояга етмаганлар давла-

тимиз томонидан беминнат таъминланиши, яъни улар учун тўланадиган алиментнинг бирор суммаси уларни парваришlash ёки вояга етказиш учун сарфланмасдан, фақатгина вояга етганларида уларнинг ўзига тўлиғича берилиши белгиланди. Бу эса фарзандларимизга давлатимиз томонидан жуда катта ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини ифодалайди.

Шунингдек, ушбу қонунга кўра, Оила кодексининг 151-моддасига ҳам ўзгартириш киритилиб, эндиликда фарзандликка олиш фақат суд тартибида амалга оширилиши қатъий белгиланди. Яъни фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишни асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаганларни фарзандликка олишни бекор қилиш масаласи худди шу тартибда суд томонидан ҳал этилиши белгиланди. Қонунчиликка киритилган бу ўзгартириш ҳам албатта фарзандликка олинаётган вояга етмаганларнинг манфаатларини инobatга олган ҳолда амалга оширилди. Чунки, бу эндиликда фарзандликка олувчиларнинг болаларни вояга етказишга оид масъулиятини янада кўпроқ оширади.

Шунингдек, республикамизда болаларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олишга доир қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун болаларнинг ҳар томонлама етук камол топишига имконият яратди. Ушбу қонун талабига кўра, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида прокуратура органларини, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни зудлик билан хабардор қилиши белгиланган.

Бу вазифаларнинг белгиланиши вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган. Лекин республикамизда болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир пухта ҳуқуқий тизим яратилган бўлса-да, прокурор назорати амалиётига кўра,

айрим жойларда бу қонунчиликка тўла риоя этилмаётганлиги ҳолатларини учратиш мумкин. Масалан, 2014 йил давомида болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир қонунчилик ижроси устидан олиб борилган назорат якунига кўра, 53 та ноқонуний ҳужжатларга прокурор протестлари келтирилган. Шунингдек, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 280 та тақдимнома киритилган, 621 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, 9 та жиноят иши қўзғатилган ва 294 нафар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, республикамизда болалар ҳуқуқини таъминлаш ҳар доим энг долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда ва шунга қарамасдан амалиётда юқорида қайд этилганидек айрим қонунбузилишларнинг учраб туриши бу соҳадаги ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштиришни, шу билан бир қаторда, ҳуқуқий тарғибот тадбирларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Яъни бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларини таъминлаш, шунингдек, бола ҳуқуқларини таъминлашга доир қонунлар ижроси устидан

парламент назоратини амалга ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида "Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (болалар омбудсмани)" институтини жорий этиш лозим.

Шунингдек, болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ низоларни кўришга ихтисослашган махсус судларни ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоялашга ихтисослашган адвокатураларни жорий этиш суриштирув, тергов ва суд давомида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларга нисбатан, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларга нисбатан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва стандартларнинг амалга оширилишига катта ҳисса қўшади. Бу эса ўз ўрнида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали ва замонавий тизими вужудга келишида катта рол ўйнайди.

Албатта, суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялашга доир ҳуқуқий тизимдаги ўзгартириш ва қўшимчаларни амалга татбиқ этишда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаоллиги энг муҳим масала бўлиб ҳисобланади.



ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

мавзуга оид видеоконференция хусусида

Мустақиллик туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилиб, соҳани янада ривожлантириш, кенг шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар олиб боришга иқтисодий ўсишнинг муҳим кафолати сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифа эканлиги яна бир бор таъкидланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини самарали таъминлаш прокуратура органлари назорат фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга, мазкур соҳадаги қонунчиликнинг аниқ ва сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бош прокуратура томонидан ташкил этилган "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижросини таъминлаш масалалари" мавзусидаги видеоконференция ҳам мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда тадбиркорликка оид қонунлар ижросини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг

ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Тадбирда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, Олий ҳўжалик суди, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ, божхона ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмиталари, Марказий банк, Савдо-санот палатаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "UZINFOCOM" маркази ходимлари ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Видеоконференцияда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги тадбиркорлар, Савдо-санот палатаси, банк, солиқ, божхона, адлия бошқармалари, ҳўжалик суди ҳамда прокуратура ходимларидан беш юз нафарга яқин иштирокчи қатнашиб, улар бевосита масофали тарзда мазкур мавзу доирасида фикр алмашиш имкониятига эга бўлдилар.

Видеоконференцияда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ҳамда ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қанчалик даражада муҳим аҳамият касб этиши ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди. Шунингдек, мазкур соҳадаги қонунчилик базасини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ва уни бугунги кундаги реал иқтисодий секторлардаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ҳам тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилди.



Шу билан биргаликда, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда банклар томонидан хўжалик юриш субъектларга имтиёзли ва кам фоизли кредитлар ажратилаётганлиги, шунингдек, йилдан-йилга солиқ ставкаларининг камайтириб борилаётганлиги ҳамда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тадбиркорларга етарлича қулайликлар яратиш мақсадида турли хил интерактив хизматлар жорий эти-

лаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Видеоконференцияда қатнашган ҳар бир иштирокчи мазкур тадбир натижасида ўзининг фаолияти учун зарур бўлган маълумот ва хулосаларга эга бўлди. Кун тартибидаги долзарб масалалар ҳамда мавжуд муаммоларни ечишга қаратилган таклиф ва тавсиялар эса тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда ижобий натижаларга эришишга хизмат қилади.

About the video conference

PROVIDING LEGISLATION EXECUTION ON SUPPORTING ENTERPRISER

Since independence, the government of Uzbekistan has started its commitment to a gradual transition to a market economy. Because of independence, great opportunities are given to the entrepreneurship, reforms directed to further developing the sphere, creating huge chances and complete legal protection are considered as important guarantees of economic rise.

To enhance private property and private entrepreneurship, to give full freedom to the sphere, to solve all matters and limitations mentioned one more time as an actual goal in the speech of the President of Uzbekistan, Islam Karimov in the Cabinet of Ministers session devoted to social and economic developments results in 2014 and the most important principal directions of economic program for 2015.

Effective providing the rights and legal interests of entrepreneurship objects is one of the important assignments of public prosecutor supervision. At the same time, special attention is paid to the coordination of the activity of law protecting agencies, control organs and responsible offices.

Video conference "The problems of providing execution of legislation on supporting entrepreneurship" organized by the General prosecutor's office was also devoted to the role and value of entrepreneurship in applying social and economic policy, providing law execution about entrepreneurship and progressing the reforms in the field of small business and private entrepreneurship, issues of further developing the mechanisms of law and legal interests of entrepreneurship activity subjects.

The staff of Higher training courses of the General prosecutor's office, Higher Economic Court, Ministry of Justice, State tax committee of the Republic of Uzbekistan, State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan, the State committee of the Republic of Uzbekistan on land

resources, geodesy, cartography and state cadaster, Central bank of the Republic of Uzbekistan, Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan, subjects of small business and private entrepreneurship, employees of the center "UZINFOCOM" under the Ministry for development of information technologies and communications of the Republic of Uzbekistan and representatives of the fund of supporting the export of small business and private entrepreneurship and journalists took part in the event.

About 500 participants including, entrepreneurs of the Republic of Karakalpakstan, Tashkent city, Tashkent viloyat, employees of Chamber of Commerce and Industry, regional bank, tax agency, customs agency, justice agency, economic court and prosecutor's office have participated in the video conference, and the opportunity created for thoughts exchange from the distance on current theme.

The topics of developing social and economic potential of our country, value of supporting small business and private entrepreneurship were explained in the video conference. So, to carry out constant monitoring of legislation base of current field and developing the sphere taking into the consideration today's position in real economic sectors, were mentioned as one of main factors of supporting entrepreneurship activity.

Determining preferential credits to the subjects of economic activity by the banks, abating tax rate year by year, and fast developing information technologies inviting several interactive services for entrepreneurship activity were discussed in the video conference.

Every participant of the video conference has received necessary information and conclusion. The offers and recommendations directed to solve current and actual problems will serve to achieve positive results in supporting entrepreneurship activity.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ



Ўзбекистон ўзининг давлат суверенитетига эга бўлган пайтдан бошлаб, мамлакатда қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги принципларига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган туб ислохотлар ва ўзгартишларнинг таркибий қисми сифатида кадрларни тайёрлаш сиёсатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотларга, модернизация ва либерализация жараёнларининг талаблари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлашга қодир бўлган юридик таълим тизими барпо этилди.

Хусусан, жорий йилнинг 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент Давлат юридик университети билан ҳамкорликда мазкур олий таълим муассасалари талабалари билан ўтказилган учрашув айнан шу масалага бағишланди.

Тадбирда университетлар раҳбарлари, мураббийлари, прокуратура ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

"Юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш — давр талаби" мавзусида бўлиб ўтган учрашувда сўзга чиққанлар талабаларга прокуратура ва Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти фаолияти хусусида батафсил тушунтиришлар беришди.

Анжуманда бугунги кунда олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитиш тизими такомиллаштирилиб, бу йўналишда назариянинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлашда ўтказилаётган машғулотлар замонавий усуллар ёрдамида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тажрибали ходимлари томонидан олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, тадбир давомида учрашувда иштирок этган талабалар Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари фаолияти, музей ва спорт мажмуаси билан яқиндан таништирилди.

Учрашувда талабаларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

PERSONNEL TRAINING

From the early period of achieving independence separate attention paid to forming policy on personnel training as an essential part of reforms on creating democratic lawful state based on the principles international legal norms, providing legality and guaranteeing citizens` rights and freedoms. The modern legal system of high-qualified personnel training created to liable the requirements of progressing reforms in the field of court and law, modernization and liberalization process.

Therefore, meeting organized on March 18 in the General prosecutor`s office with the partnership University of world economy and diplomacy and Tashkent state university of law, where the students of above mentioned institutions participated in is dedicated to current topic.

The admission administrators, teachers, employees of prosecutor`s office and Department on fight against tax, currency crimes and legalization the criminal income of the General prosecutor`s office of the Republic of

Uzbekistan, journalists took part in the meeting.

In the meeting "High-qualified legal personnel training is demand of time" the students got full information about the activity of prosecutor`s office and Department on fight against tax, currency crimes and legalization the criminal income of the General prosecutor`s office of the Republic of Uzbekistan.

Nowadays applying developed system of teaching legal subjects in high schools,

The question of students were answered in the meeting.

In the meeting it was noted, that today the system of teaching legal disciplines is improved in the high institutions, and in this direction in ensuring the balance of theoretical and practical classes by means of modern methods from high skilled staff of judicial and law enforcement agencies are given.

The students visited museum, sport complex and Higher training courses of the General prosecutor`s office of the Republic of Uzbekistan

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар
- мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языке
- статьи нужно направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



**Жиззах вилоят
прокуратураси**



**Жиззах шаҳар
прокуратураси**

**Зомин туман
прокуратураси**



